

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

Qo'lyozma huqiqida
UDK

Madaminova Farangiz Tulqinjon qizining

Usmon Azim she'riyati lingvopoetikasi

5A111201-O'zbek tili va adabiyoti

Magistr

akademik darajasini olish uchun yozilgan
dissertatsiya

Ilmiy rahbar:

f. f. n., dots. O.Y.To'xtasinova

Qo'qon -2014

Мундарижа

Кириш.	
Магистрлик диссертациясининг умумий тавсифи.	
I боб. Бадиий услуб индивидуаллигини таъминловчи лексик-семантик асослар.	
I. 1. Лексик-семантик воситалар ва поэтик санъаткорлик.	
I. 2. Усмон Азим шеъриятида сўз тежамлилиги ва жонлантириш.	
II боб. Усмон Азимнинг сўз имкониятларидан фойдаланиш маҳорати.	
II. 1. Усмон Азим ижодида лексик-семантик ранглар поэтикаси. .	
II. 2. Усмон Азим шеъриятида ундов сўзлар ва такрорларнинг қўлланиши.	
III боб. Усмон Азим шеърларининг синтактик хусусиятлари.	
III. 1. Шоир шеърларида қўлланилган ундалмалар.	
III. 2. Барқарор ифодалар – халқоналик омили сифатида.	
Умумий хулосалар.	
Таянч сўзларнинг ўзбекча-инглизча луғати.	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	

Кириш

Ҳар бир миллатнинг ўзлигини бўй-бастича танитадиган ва уни намоён қиладиган асосий восита тилдир. Инсон туғилар экан, унинг калбига она сути ва алласи билан бирга она тили ҳам жон-жонига сингиб боради. Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан туриб 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мустақилликка эришишимизнинг пойдевори вазифасини ўтади.

Мустақилликдан сўнг ўзбек тилшунослиги ўзининг янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Илм-фан ва миллий маданиятимизнинг ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” деб номланган китобида таъкидлаганларидек, «ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда».¹ Ушбу рисоладан юртбошимизнинг она тилимизнинг истиқлолгача бўлган даврдаги ҳолати ва мамлакат мустақиллигидан кейинги тараққиёт омиллари хусусидаги қимматли фикрлари ўрин олган. Шунингдек, рисолада тил илми тадқиқотчилари олдига бир қатор масъулиятли вазифалар ҳам юклатилган. Хусусан, «аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган

¹ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - Б. 86.

бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур»лиги, она тилимизни ҳар томонлама мукамал ўрганишимиз, тилимизнинг беқиёс имконларини кашф этишга тинимсиз интилишимиз лозимлиги, чунки «ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз» эканлиги юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланган.¹ Илм ана шундай улуғвор мақсадга хизмат қилиши лозим.

Маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тилимизни тадқиқ қилиш ҳам истиқлол берган неъматлардан ҳисобланади. Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги фани улкан ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Буни тилнинг барча сатҳлари билан боғлиқ муаммоларнинг ўртага ташланиши ва олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам кўрсатиб турибди.

Тилшуносликнинг лингвопоэтика соҳаси даврнинг долзарб илмий-назарий масалалари, муаммолари, тадқиқий вазифалари билан характерланади. Хусусан, адабий ижодлар, етук бадиият намуналарини лингвопоэтик хусусиятлар нуқтаи назаридан кузатиб, ўрганиб бориш, бу йўналишдаги таҳлил, талқин, баҳолашни изчил йўлга қўйиш бугунги ўзбек тилшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу соҳада айниқса ўзбек насри намуналари тадқиқининг фаоллашгани кейинги йилларда яратилган тилшунослик натижаларидан маълум. Мустақиллик йилларидаги адабиётимиз, унинг барча турлардаги намуналари, айти чокда, адабиётшунослик ва адабий танқид илмлари ўз нуқтаи назари, дунёга қараши, мазмун-моҳияти, метод,

¹ Каримов И. Ўша асар. - Б. 87.

услуб ва усулларига кўра янгичадир. Бу жараёнда янгиланиш тамойили қизғин кечмоқда. Адабиётнинг насри ҳам, шеърияти ҳам қатор янги, теран ижодлар, бадий асарлар билан бойимоқда. Бинобарин, уларнинг энг манзур ва эътиборга сазоворлари асосида лингвопоэтик тадқиқотчиликни фаол юритиш мақсадга мувофиқдир.

Магистрлик диссертациясининг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Сўнги йилларда жамиятимизда бўлаётган туб ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз аксини топмоқда. Илм-фан ва техниканинг жадаллик билан тараққий этиши янгидан-янги кашфиётларни юзага келтирмоқда. Бу эса жамият тараққиёти учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов “Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим”¹деб таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда жамиятнинг илғор тараққий этиши, аввало, фаннинг олдида мазмунан ва моҳиятан етуқ тадқиқотлар яратиш талабини қўймоқда. Бу илм-фаннинг барча соҳаларида, жумладан, тилшунослик соҳасида ҳам янгича ёндашиш ва замон талабига жавоб берадиган етуқ тадқиқотларни яратиш лозимлигини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослиги фани ўтган давр мобайнида улкан ютуқларни қўлга киритди. Буни тилнинг барча сатҳлари билан боғлиқ муаммоларнинг ўртага ташланиши ва олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам кўрсатиб турибди. Айниқса, кейинги пайтларда бадиий асар тили, бадиий асар услубияти, лингвопоэтика, лингвостилистика каби соҳалар юзасидан салмоқли

¹ Каримов И. Адолатли жамият сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 58.

тадқиқотлар олиб борилди. Бунга “матн лингвистикаси” деб аталувчи тилшунослик йуналишининг катта суръат билан ривожланиб бораётганлигини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Матн лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида шаклланди ва муттасил ривожланиб бормоқда. Айниқса, “лингвопоэтика” деб аталувчи матн лингвистикасининг мустақил соҳаси тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ тортмоқда. Лингвопоэтиканинг асосий ўрганиш объекти - бадиий матн. Аммо бадиий матн матнлар типологияси нуқтаи назаридан нобадиий матнга қаршилангилганда, ундаги ўзига хосликлар яна ҳам ойдинлашади. Шунинг учун матн назарияси масаласини ва бадиий матнга лингвопоэтик ёндашув ҳамда унинг вазифалари муаммосини алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бадиий матн бадиий-эстетик бутунлик сифатида ниҳоятда мураккаб, серқатлам ҳодиса. Бадиий матнда ифодаланган асосий ғоя-фикр-мазмунини тушуниш шунчаки иш эмас, балки анча қийин ва мураккаб ижодий жараёндир. Бадиий асарда мутлақо ўзига хос, гоҳ очик, гоҳо яширин тарзда намоён бўладиган мазмуннинг маъносини туғри англаш маънавий-маданий, ақлий-ҳиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади. Ҳар қандай матннинг мазмунини тушуниш учун тил лексикаси ва грамматикасини билиш етарли бўлса, бадиий матннинг мазмунини идрок этиш учун бадиий матннинг ўзига хос лисоний-поэтик қонуниятларини ҳам билиш лозим бўлади. Бадиий матн деганда фақат шеърий ёки фақат насрий ёки яна бошқа адабий турга оид асарлар тушунилмайди. Бу турларнинг ҳар бири ўзига хос лисоний-поэтик ва адабий-ғоявий жиҳатларга эга, аммо уларнинг барчасини бадиийлик деган муштарак сифат бирлаштиради.

Ўзбек халқининг севимли фарзанди, оташқалб шоир Усмон Азим ижоди, шеърляти XX аср адабиётда ва ҳозирги адабий жараёнда муҳим воқеа ҳисобланади.

Усмон Азим 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. У шоир сифатида 70- йилларда адабиётга кириб келди. “Инсонни тушуниш” (1978), “Ҳолат” (1979), “Оқибат” (1980), “Кўзгу” (1983), “Дарс” (1986), “Сурат парчалари” (1986), “Иккинчи апрель” (1987), “Бахшиёна” (1990), “Уйғониш азоби” (1991), “Ғусса” (1994), “Узун тун” (1994), “Бор экану йўқ экан” (1995), “Сайланма” (1995), “Куз” (2001), “Жоду” (2003), “Соғинч” (2007), “Юрак” (2009), “Фонус” (2010), “Адибнинг умри” (2011) каби китоблар муаллифидир. У яратган шеърят, дostonлар, балладалар, ҳикоялар, ўнлаб драматик асарлар мавзу, жанр, услуб хослигига кўра алоҳида ажралиб туради. Бу муваффақиятда адиб асарлари тилининг роли жуда катта.

Усмон Азим ўзига хос шоирлардан. Унинг шеърлари халқона оҳангларда битилганлиги, чуқур фалсафийлиги, кўтаринки рухдалиги билан бошқа шоирлар ижодидин фарқланади. Ана шу ўзига хосликни таъминловчи бадий тил воситаларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш ишнинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда бадий асар тили, бадий асар нутқининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш ҳамда бадий асарни лингвопоэтик тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилмокда.

Адибнинг сўз танлашдаги ва қўллашдаги маҳоратининг тадқиқ этилиши тилшунослигимиз ривожда ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки айнан мана шу жиҳат орқали ёзувчининг индивидуал услуби яққол кўринади. Шунинг учун тилшунослигимизда ижодкор бадий

нутқининг ўзига хослиги, унинг тил воситаларидан фойдаланиши каби жиҳатлар бош мавзу даражасига кўтарилиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи бирликларини қўллашдаги ўзига хосликларини аниқлашга бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Айниқса, бу борада Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, Қ.Самадов, Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов Б.Йўлдошев, Х.Дониёров, С.Мирзаев, Л.Абдуллаева, Э.Қиличев, И.Мирзаев, П.Қодиров, С.Каримов, Б.Умуркулов, Д.Шодиева, Р.Нормуродов, М.Йўлдошев, Г.Келдиёрова, Д.Неъматова, Ё.Сайидов, Ф.Бобожонов, Г.Муҳаммаджонова, С.Боймирзаева, А.Сабирдинов, Л.Жалолова, М.Қосимова каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадқиқотларнинг катта қисми насрий асарлар тилини ўрганишга бағишланган. Бу ишларнинг юқори илмий савиясини инкор этмаган ҳолда, назмий асарлар лингвопоэтикасига ҳам эътиборни кучайтириш бадий нутқ лисоний таркибини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқ жоиздир.

Мазкур магистрлик диссертациясида Усмон Азим шеърятининг бадий услуб индивидуаллигини таъминловчи омиллар: аллитерация, антитеза, ассонанс, синтактик параллелизмлар, синонимлар, мақол ва иборалар, ундалмалар, такрор, окказионализмларларнинг қўлланиши тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Шоир шеърларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиб, ижодкорнинг тилнинг бадий тасвир воситаларидан, шунингдек, умуман тилдан фойдаланишдаги маҳоратини ва бу орқали унинг ўзбек адабий тили ривождаги ўрнини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадини амалга ошириш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- Усмон Азим асарларини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганишнинг долзарблигини асослаш;
- Шоир ижодининг ўзбек тилшунослигида ўрганилиш ҳолатини илмий-танқидий баҳолаш;
- Шоир шеърларининг фонетик хусусиятларини лингвопоэтика билан алоқадорликда таҳлил этиш;
- Усмон Азим шеъриятида қўлланган муайян тил бирликларини белгилаш ва уларни лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этиш;
- Шоир шеъриятида қўлланган мақол ва ибораларни белгилаш ва уларни лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этиш;
- Усмон Азим шеърларида бадиий такрорнинг ўрнини белгилаш, шоирнинг такрордан фойдаланишдаги ўзига хос жиҳатларни очиб бериш;
- Шоирнинг ўзбек шеъриятида тутган ўрнини, унинг ўзбек тилига, ундан фойдаланишга бўлган муносабатини белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети сифатида Усмон Азим шеърияти олинди. Усмон Азим шеърлари 1978 йилдан 2013 йилгача 20 тўпламда нашр этилган. “Сайланма” шоир ижодининг энг кўп қисмини камраб олганлиги сабабли, илмий таҳлил учун асос қилиб кўпроқ мана шу нашр танланди.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Тадқиқотнинг методологик асосини фалсафанинг шакл-мазмун, сабаб-оқибат категориялари ташкил қилади. Асосан, лингвопоэтик, услубий ва қиёсий таҳлил ҳамда таснифлаш усулларида кенг фойдаланиш назарда тутилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Усмон Азим шеърятининг бадий услуб индивидуаллигини таъминловчи воситалар фонетик ва лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилинди;
- Шоирнинг ундовлар, ундалмалар, иборалар, мақоллардан, такрорлардан унумли фойдаланганлиги аниқланди;
- Шоир ижодида лексик воситаларнинг қўлланиши ва улардан унумли фойдаланганлиги аниқланди;

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.

Магистрлик диссертацияси Қўқон давлат педагогика институти

кафедраси йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича

туманидаги

академик лицей педагогик кенгашида

маъруза қилинди ва очиқ дарс ўтказилди. Тадқиқот юзасидан илмий тўпламда та мақола эълон қилинган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми саҳифани ташкил қилади.

I БОБ. БАДИЙ УСЛУБ ИНДИВИДУАЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК АСОСЛАР

I. 1. Лексик – семантик воситалар ва поэтик санъаткорлик

Тил ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида доимо қисқалик ва осонликка интилади. Инсон учун қандай талаффуз қилиш тўғрилигидан кўра, кўпроқ қандай талаффуз қилиш қулай ва осонлиги муҳимроқ. Тилдаги фонетик ва лексик сўзларни қўллаш бир қанча осонликни ва раволикни таъминлайди.

Бадиий асарнинг бош унсури сўз, умуман, тил экан, ана шу асарнинг чинакам санъат даражасига кўтара олишида унинг тили, муаллифнинг тил воситаларини қай даражада қўллай олиши асосий омилдир. Адабиётимизда из қолдирган ҳар бир ижодкор асарларининг тилини ўрганиш, биринчидан, адибнинг маҳоратини ўрганиш, шу билан бирга, тилимиз ривожига унинг асарлари тили таъсирини, тадқиқотнинг эса тилшунослигимиз тараққиётига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини белгилаш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Тил доимий равишда янги луғавий бирликлар ҳисобига бойиб боради. Ҳеч бир сўз коммуникатив эҳтиёжсиз туғилмайди. Аммо янги пайдо бўлган сўзлар тилдаги мавқеига кўра фарқланади. Ҳар қандай янги пайдо бўлган лисоний бирликлар тил тизимида ўз ўрнига эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Луғат таркибида ўз ўрнига эга бўлмасдан яққа (индивидуал) нутққа хос ва ўша нутқ (матн) доирасидагина қолиб кетадиган, тасодифий, яъни фавқулодда яратилган ва кўпинча лисоний алоқа жараёнида атиги бир мартагина қўлланадиган бирлик ғайритабиий туюлиши, бетакрорлиги адабий нормадан ташқарида бўлиши билан ажралиб туради. Бундай сўзларни халқ, ва тил

ижодкорлари яратади. Бадиий ижодда шоир ва ёзувчилар доимо янги сўз ясашга интилиб келадилар. Бу қонуниятдир. Чунки сўзнинг тасвирий имкониятидан мумкин қадар кенг фойдаланишга интилиш, кутилмаган, ғайриодатий, янги образлар яратиш эҳтиёжи ифодани янги тарзда бериш зарурияти ижодкорларни ана шундай йўл тутишга ундайди.

Ҳар қандай бадиий асар, ҳажман каттадир, кичикдир, яхлит коммуникатив-эстетик бутунликдир, унинг сюжет занжиридаги воқеалар, ғоялар, фикрлар бир-бири билан қанчалик узвий ва чамбарчас боғланиб кетган бўлса, бу бутунликнинг бадиий-шаклий, эмоционал-эстетик пойдеворини ташкил этувчи лисоний бирликлар ҳам ўзаро шунчалик яхлитланиб, киришиб кетганки, уни инжа маҳорат билан тўқилган беназир тўрға қиёслаш мумкин. Бадиий асар таҳлилидай мураккаб жараёнда, агар ана шу гўзал тўрдаги тугунларнинг синоатлари инкишоф этилмас экан, яъни бадиий асар лингвопоэтик нигоҳ билан синчиклаб таҳлил қилинмас экан, бадиият дейиладиган муҳташам оламнинг ичига росмана кириб бўлмайди. Дангал айтиш мумкинки, лингвопоэтик таҳлил бадиий асар филологик таҳлилининг ибтидоси, ижодкор маҳорати даражасини баҳолаш мезонларининг алифбоси, бадиият бўстонидаги бетакрор топилдиқларни англаш ва мағзини чиқитсиз чақишнинг бошланмасидир.

Табиийки, бадиий асарни лингвопоэтик таҳлил қилишнинг бир қатор тамойиллари мавжуд. Бадиий матн лингвопоэтикаси муаммосини ўзбек тили материаллари асосида муфассал тадқиқ этган М.Йўлдошев лингвопоэтик таҳлилининг қуйидаги асосий тамойилларини кўрсатади: 1) шакл ва мазмун бирлиги асосида ёндашув; 2) макон ва замон бирлигидан келиб чиқиш; 3) умумхалқ тили ва адабий тил муносабати асосида баҳолаш; 4) бадиий матнга бадиий-эстетик яхлитлик сифатида

ёндашув; 5) бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш; 6) бадиий матндаги эксплицитлик ва имплицитлик нисбатини аниқлаш; 7) бадиий матндаги интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш. Тадқиқотчи “лингвопоэтик таҳлилда бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш муҳим тамойиллардан” эканлигини алоҳида таъкидлайди, чунки “бундай воситаларнинг лингвистик ва бадиий моҳиятини очиб бериш орқали бадиий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиши механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин”¹. Чиндан ҳам, бадиий матннинг эстетик қимматини бевосита белгилаш ва баҳолашда айни шу тамойил қулай ва бошқа тамойиллар асосида иш кўришда ҳам замин вазифасини бажариши мумкин. Бунинг устига, мазкур тамойил асосида лисоний бадииятни тасаввур қила олиш бошловчи таҳлилчига ҳам оғирлик туғдирмайди, чунки таҳлилга тортиладиган объект матндаги конкрет тил бирликларидир.

Албатта, бадиий мазмуннинг ифодаланишида тилнинг фонетик-фонологик, морфемик, лексик, морфологик, синтактик ва ҳатто суперсинтактик каби барча сатҳи бирликлари иштирок этади. Аммо таъкидлаш жоизки, бу бирликларнинг, ҳеч бир истисносиз, ҳаммаси ҳам ижодкорнинг бадиий ниятига бевосита ва бир хилда хизмат қилмайди. Ижодкор томонидан унинг маҳорати даражасига кўра яратилган муайян қулай бадиий контекст қуршовида мазкур бирликларнинг айримлари алоҳида бадиий-эстетик таъкид олади.

Лингвопоэтик таҳлилнинг тамалида айни шу тамойил, яъни поэтик актуаллашган – поэтик мазмун билан юкунган тил бирликларини аниқлаш ва уларни тегишли тарзда баҳолаш тамойили турмоғи мақсадга

¹ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008. –Б.148 – 159.

мувофиқдир. Бундай таҳлил ижодкорнинг тилимизнинг туганмас бойлиги имкониятларидан фойдаланишдаги маҳоратини кўрсатиш баробарида бадиий ният хизматидаги бирликларнинг бутун моҳиятини очишга, холис баҳолашга кўмаклашади. Айниқса, бундай таҳлил улкан сўз санъаткорларининг асарлари асосида олиб борилса, бадиий тил маҳоратидаги ибратли жиҳатлар баралла намоён бўлади.

Йирик адабиётшунос олим Б.Саримсоқов ёзганидай: “Бадиийлик — санъатнинг, жумладан, сўз санъатининг асосий, доимий хусусияти. Жуда қадим замонлардан буён ҳозирга қадар кўплаб олимлар бадиийликни хилма-хил талқинлар, таърифу — тавсифлар этиб келишади. Аммо бирон-бир олим бадиийлик ҳақидаги менинг талқиним тўғри, деб даъво қила олмайди. Чунки санъатнинг қони ва жони бўлмиш бу ҳодисанинг сир-синоатлари беадад бўлиб, улар бир давр адабиётида, унинг турли йуналиш ва оқимларида, ҳар бир миллий адабиёт ва унинг айрича олинган намояндасида ўзига хос тарзда, ўзига хос миқёс ва даражада намоён бўлади.

Бадиийликнинг барча замонлар ва ижодкорлар учун мос келадиган андозалари таърифу талқинлари йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Қолаверса, бадиийликни ҳар бир шахс ўз дунёқараши, ғоявий-эстетик тамойиллари, миссий олами ва билим доирасида идрок этади ва тушунади.

Аммо бу дегани — бадиийлик ҳодисасини ўрганишнинг умуман фойдаси йўқ, дегани эмас. Аксинча, ҳар бир санъат турида бадиийликнинг намоён бўлиши, миқёси ва даражаларини бевосита ўша соҳа мутахассислари томонидан мунтазам ўрганилиб бориши зарур”¹.

Бадиий асарнинг лингвопоэтик таҳлили тилнинг назарий томонлари, ижтимоий функциялари ва инсон маънавиятининг инъикоси

¹ Саримсоқов Б. Бадиийлик мезонлари. – Т.: Фан. 1996. 3-бет.

эканини бир бутун ҳолда тасаввур этишимизга имкон яратади. Чунки лингвопоэтика ўз мазмун-моҳиятига кўра филология соҳаси тармоқларини ўзида мужассамлаштиришга, унинг бир бутунлигини таъминлашга қаратилгандир. Лингвопоэтик таҳлил жараёни фақат ёзувчининг тили ва услуби ҳақида маълумот бериш билан чегараланмайди, балки асар яратилган давр тилининг ўзига хослиги, ёзувчининг сўз бойлиги, тил воситаларининг ифодаланиш усуллари, бадиий тасвир воситаларининг тил фактлари воситасида акс эттирилиши, умуман, тилни унинг барча сатҳлари юзасидан таҳлил қилишдан иборат бўлади.

Ўзбек тилшунослигида «лингвопоэтика» атамаси ҳали ўз ўрнини топмаган пайтларда ҳам масалага алоқадор жуда кўп илмий ишлар қилинган, лекин уларнинг кўпчилиги маълум бир ёзувчининг тили ва услуби доирасидаги таҳлиллардан иборат бўлиб, асосан услубшунослик йўналишида амалга оширилган.

Бадиийликни таъминловчи тил унсурлари, уларнинг ёзувчи мақсадини ифодалашдаги ўрни турли даражада ва турли нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда тавсифий усул асосий ўрин эгаллаган бўлиб, таҳлилнинг айрим-айрим жиҳатларига кўпроқ эътибор берилган. Бадиий тил аксарият ҳолларда адабиётшунослик нуқтаи назаридан баҳоланиб, унда асосий эътибор тасвир воситаларининг қўлланиши натижасида вужудга келган поэтиклик (поэтик тасвир) таҳлилига қаратилган. Шунингдек, бадиий услуб тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган илмий ишлар ҳам мавжуд.

Шу ўринда «лингвистика» ва «поэтика» атамалари, уларнинг туташган нуқталари юзасидан фикр юритиш лозим. Арасту ўзининг машҳур «Поэтика» асарида поэтик санъат — шеърий навлар (жанрлар) хусусида тўхталиб, поэтика — поэзия санъати ҳақида сўз юритган.

«Тил ва фикр» бобида эса нутқ ва фикрга тегишли ҳодисаларнинг риторикага алоқадорлиги таъкидланиб, унинг нутқ тузиш билимлари билан боғлиқлиги эътироф этилади¹. Туғри, қадимги фан тарихида риторика алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Лекин поэтикани риторикадан ажратиб бўлмайди. Чунки ҳар бир тил ҳодисаси нутқий вазиятга ўтар экан, инсоннинг тасаввури, руҳияти, ҳиссиётлари бу нутқий боғланишга ўзаро алоқадор ҳолда кўчади. XX аср тилшунослигида бадиий асар тили тадқиқига кенг эътибор берилгани боис, риторика ва поэтика тушунчаларини бирлаштирган ҳолда бадиий асардаги воқелик тасвирини ҳар томонлама, чуқур ва яхлит ҳолда тадқиқ этишни ўзида акс эттирувчи «лингвопоэтика» атамаси пайдо бўлди.

Бугунги кун филологиясининг долзарб вазифаларидан бири ўзбек лингвопоэтикасининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, аниқроғи, бир тизимга солиш, унинг тадқиқ усуллари ва воситаларини, тадрижий такомлини яхлит ҳолда ўрганиш: барча тушунчаларни гуруҳлаштириш ва шу йўл билан бадиийликни таъминловчи унсурларни ҳам тил жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат. Бизнингча, уларни қуйидаги йуналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

- Поэтик фонетика. Бунда бадиийликни таъминловчи унсурлар сифатида товушлар тадқиқ этилади. Яъни услубни яратишда ўзига хос товуш ўзгаришлари, урғунинг берилиши, уларнинг ўқувчи тасаввурига таъсири ва бошқа омиллар эътиборга олинади. Масалан, шеъриятдаги вазн талабига кўра товуш тушиши, товуш орттирилиши, товушларнинг ўрин алмашиши кабилар. Насрда ҳам образнинг ишончли бўлиши учун турли сўзлар ифодасидаги ўзига хос ҳолатлар (масалан, йўўўғ-е? ёки

¹Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980. 39-бет.

мазза!) кузатилади. Бу каби ўзгаришларнинг мақсадини лингвопоэтик таҳлил очиб беради.

- Поэтик лексикология. Бу йўналишнинг тадқиқот кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, ўзбек тилшунослигида ҳам кўпгина илмий ишлар қилинган. Масалан, бирор асар тилида синоним, омоним иборалар ёки чегараланган лексика (диалектизмлар, историзмлар, архаизмлар...), ўз ва ўзлашган сўзлар қатламининг иштироки каби масалалар бир қанча асарлар тили юзасидан таҳлил этилган.

- Поэтик морфемика. Бу нафақат морфемика, балки морфология ва сўз ясалиши бўйича таҳлилларни ҳам ўз ичига олган ниҳоятда кенг йўналиш бўлиб, қизиқарли тадқиқотларга сабаб бўлади. Масалан, асар матнида ўзига хос тарзда қўлланган ҳар бир аффикснинг таҳлили ҳам тарихий, ҳам тавсифий, ҳам қиёсий жиҳатдан олиб борилади.

- Поэтик семантика. Бунда сўзларнинг турли маъно қирраларини ифода этиши, айниқса, кўчма маънода қўлланиши тадқиқида ҳам тил бойлиги, ҳам услубнинг ўзига хослигини кўрсатиб берувчи воситаларга диққат қаратилади. Бу йўналишни бевосита бадиий санъатлар, тасвир воситалари (сифатлаш, ўхшатиш, муболаға ва б.) таҳлили билан боғлиқ ҳолда олиб бориш керак бўлади.

- Поэтик синтаксис. Бу йўналишда матннинг гап қурилиши тадқиқ этилади. Унда лингвопоэтик таҳлил формал синтаксис, мазмуний синтаксис, коммуникатив синтаксис ва матн синтаксиси билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Поэтик нутқни таҳлил этиш усули 2 хил: шеърий ва насрий матн асосида амалга оширилади. Чунки бунда шеърий нутқни шакллантирувчи унсурларга, шеърий нутқ тузилиш тизимига, гап бўлаклари тартибига, лафзий ва маънавий санъатларнинг қўлланишига эътибор бериш керак бўлади. Шоирнинг ғояси ва мақсадини аниқлашда гап бўлақларининг шаклан ва мазмунан

ифодаланиш усулларини, эмоционал-экспрессивликни таъминловчи барча воситаларни таҳлил этиш зарур. Насрий нутқда ҳам гаплар ва гап бўлаклари тартиби, шаклий ва мазмуний мутаносиблик кабиларга эътибор бериш керак. Бунда таҳлил гапнинг формал-грамматик бўлиниши, актуал бўлиниши, мантиқий урғу, пресуппозиция каби ходисалар билан боғлиқ бўлади. Умуман, бу йўналиш структурал поэтика тушунчалари билан алоқадор.

Хулоса шуки, лингвопоэтик тадқиқ асосларини, уларнинг номланишини бир кўринишга келтириш керак. Бу масала юзасидан яратилган тадқиқотлар тилимизнинг бойлигини кўрсатиш, филологиянинг яхлитлигини таъминлаш билан бир қаторда, етук тилшунос ва адабиётшунос мутахассислар тайёрлашга ҳам хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

I. 2. Усмон Азим шеърлятида сўз тежамлилиги ва жонлантириш

Бадиийлик ҳар қандай адабиётнинг бош мезони бўлиб, у адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилади. Аммо, бадиий адабиёт тилини ўрганишнинг бу икки йўналишининг мақсад ва вазифаларини белгилашда ҳали анчагина ноаниқ ва мунозарали ўринлар мавжуд. Бунинг асл сабабларидан бири бадиий адабиёт тилини ўрганишнинг мақбул усул ва мезонларининг ҳозирга қадар аниқ белгиланмаганлигидир.

Адабиётшунослар ёзувчининг, ижодкорнинг маҳоратини, асар бадииятини баҳолашда асар тилига, тил омилига етарли эътибор бермайдилар. Шунингдек, бадиий асар тилини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганганда, у мавзу ва ғоядан узиб олинган ҳолда таҳлил қилинади. Шу сабабли тилшунослар бадиий асар тилига оид илмий асарларида кўпроқ эскирган, тарихий; янги, кўп маъноли сўзлар, синонимлар, омонимлар, антонимларга эътибор берадилар.

Тил воситалари асарда ўзига хос вазифа бажариб, образлилик, бадиийлик яратади. Шу сабабли ҳам бадиий асар тилидаги лисоний воситалар «бадиий сўз», «поэтик сўз», «поэтик лексика» сингари атамалар билан тадқиқ қилинади. Бадиий асарда лисоний воситаларни ўзига хос қўллаш ва бу йул билан бетакрор усулларни яратиш адабиётни мўъжизавий ҳодисага айлантиради. Адиблар бетиним изланишлар туфайли тилнинг янги серқирра имкониятларини кашф этадилар. Сўз қўллашдаги бу хусусият бадиий тилни санъат даражасига кўтаради. Адабиётшуносликда бадиий санъатлар ана шундай яратилади.

Бадиий санъатлар адабиётшуносликнинг текшириш объекти бўлса-да, уларнинг юзага келиши тил билан, тилнинг услубий имкониятлари билан боғлиқ. Бадиий санъатлар лисоний стилистиканинг ҳам тадқиқот объектидир. Бадиий санъатларни адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш шоир ёки ёзувчи маҳоратини очиб берадиган ишончли воситадир. Бадиий санъатлар ҳозирга қадар адабиётшунослик аспектидагина ўрганилган. Уларнинг тил билан боғлиқ лисоний хусусиятлари деярли тадқиқ қилинмаган. Ҳолбуки, ҳар қандай бадиий санъат тил воситасида, тилнинг услубий имкониятлари асосида юзага чиқади, Шундай бўлгач, ўзбек тили лисоний воситаларининг бадиий санъатлар доирасидаги вазифавий хусусиятлари ва ролини тадқиқ қилиш тилшунослик соҳасининг, айниқса услубшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Адабиётшуносларнинг тан олишларича, ўзбек шеърини тили ҳали қониқарли ўрганилган эмас. Баъзи тадқиқотларда шеърини хос икки хусусият кўрсатилади: 1) фақат шеърини тилига хос хусусиятлар; 2) наср тилида ҳам мавжуд, аммо назмда янада кўпроқ учровчи хусусиятлар. Бундай чегаралаш, бизнингча, тўғри ва объективдир. Аммо шеърини тили тадқиқ қилинар экан, бу жанр тилининг ўзигагина хос хусусиятларга диққат қилиш муҳимдир.

Ҳар қандай бадиий санъатнинг замирида тил материали ётиши жиҳатидан унинг бадиий санъат вазифасини ўташида ушбу материалнингқуйидаги имкониятлари ишга солинади:

1. Сўзнинг тўғри ва кўчма маъно имкониятлари.
2. Сўзнинг шаклий имкониятлари.
3. Сўзларнинг ўзаро-қўшилиш имкониятлари.
4. Сўзнинг такрорланиши имкониятлари.

5. Алифбо сирасидаги баъзи харфларнинг шаклий-символик имкониятлари.

6. Фонетик-орфоэпик имкониятлари.

Бадиий санъатларни лисоний аспектда тадқиқ қилиш аслида юқорида қайд қилинган бирликлар, ҳодисаларнинг бадиий санъатлар тизимидаги иштироки ва ўрнини ўрганишдан иборат бўлмоғи керак.

Бадиий матнга хос бўлган хусусиятлардан бири тил воситаларини тежаб, қисқартирилган ҳолда қўллаш бўлиб ҳисобланади. Бу тежамлилик фонетик, лексик ва грамматик воситаларда поэтик талабларга кўра содир бўлади ҳамда ундан ижодкорлар ўз услубларига мос тарзда фойдаланадилар. «Ўзбек тилида сўз даражасидаги юз берувчи қисқарувлар морфонологик аҳамият касб этадилар, яъни у ёки бу товушнинг тушиб қолиши сўзнинг фонетик структурасини ўзгартириш билан бир қаторда унинг морфологик таркибини ҳам ўзгартиради»¹.

Масалан, шеърий нутқда товушлар алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг қисқа ва чўзиқ тарзда қўлланиши нафақат матнга оҳангдорлик, балки мазмунга ҳам таъсир кўрсатади.

Шубҳасиз, тил элементларида содир бўладиган бу каби ўзгаришлардан Усмон Азим ҳам ижод жараёнида фойдаланган. Масалан, нима учун ва унинг қисқарган вариантлари не учун, нечун нинг шоирнинг «Сайланма»²сида қўлланишини олиб кўрайлик.

Матнда нима учун 5 марта, не учун 4 марта, нечун 24 марта қўлланган. Улар иштирок этган мисралардан оладиган биринчи таассуротимиз ва юзаки хулосамиз вазн талаби билан деган фикр бўлади:

¹ Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. - Самарканд, 2004, 93-бет.

² Усмон Азим. Сайланма. Шеърлар. - Тошкент: "Шарк", 1995.

*Сен турибсан **нечун** паришон,*

***Нечун** сўниб борар вужудингда нур (Ўттиз-қирқ йил аввал...)*

ёки

Шоир нима учун яшайди, ахир?

У мангу ишонч-ла олади нафас —

Балолар қанчалар топмасин тадбир

Ватанни ўрнидан қўзғата олмас. (Ғафур Ғулом ҳақида ҳужжатли фантазия)

Аммо мана бу мисраларда нима учун нинг қисқармаган ҳолда, тўлик, қўлланишини ҳам вазн талаби билан бўлган деяверсак бўладими?

Тунни тонг ўлдирди,

Тонгни шом ўлдирди.

Шомни бурди тун...

Нима учун?

Нима учун,

Шомнинг қўли қон...

Тонгнинг қўли қон...

Бор-йўғи бир қадам қўйдингми,

Бешафқат замон? (Ривожланиш)

Ушбу парчада олмошнинг бошқа вариантларини бемалол қўллавериш мумкин:

Не учун?

Не учун,

Шомнинг қўли қон...

Тонгнинг қўли қон...

ёки

Нечун?

Нечун,

Шомнинг қўли қон...

Тонгинг қўли қон... каби.

Илмий манбаларда *не учун* ва *нечун* нинг тасвирийлик кучи *нима учун* га нисбатан юқори эканлиги қайд этилган. Нега унда шоир кейинги икки вариантнинг бирини кушгашни лозим кўрмади? Бизнингча, бу ҳолатда кейингиларини қўллаш шоирнинг мақсадига, аниқроғи лирик қахрамон кайфиятига мос келмайди. Уларга экспрессивлик вазифаси юкланаётган эмас. Поэтик ифода бошқа мисралардан ҳам шундоққина билиниб турибди. Тушкун бир кайфият ифодасида шоирга таъкид оттенкаси ва ифодадаги оддийлик муҳим. Бу вазифани *нима учун* аниқроқ, ифодалайди.

Бошқа бир ўринда ушбу сўроқ, олмошининг моҳияти ўзгаради, унинг қисқарган шаклини қўллашга эҳтиёж пайдо бўлади. Чунки бу мисралар ифодасида таъкидни бошқа воситалар, масалан, сўзлар (семга келсам) ва қўшимчалар (-мши) такрори ўз зиммасига олади, *нечун*, *не учун* экспрессив вазифани адо этади:

Бу кимлар?

Қайдаман?

Регистон, сенми?

Нечун сенга келсам,

Нечун сенга келсам,

кўксимни тўлдирар жумлаи жаҳон? (Самарқанд бўйлаб тунги сайр)

У нечун безовта?

Пайқадимикан-

Бирор бир кимсанинг

Минг бир юзини (Ойбекнинг уй музейида ўқилган шеър) ёки

Қовоққа не учун ранглар тортилмиш,

Не учун ўсмага чўмилмиш қошлар?

Қаро тупроққа кирмоқдан энди мен не учун қўрқай—

Қаро ернинг тагида сен каби бир яхши дўст бордир. (Беҳишт гулшанлари)

Аслида шеърый матнларда қисқарувнинг энг яхши намуналаридан бири не олмошидир. Олмошнинг бу туридаги қисқарувни Р.Юсубова ҳам таҳлил қилган. «Асоснинг шаклий томонини тежашга интилиш, - дейди у. — сўроқ олмошларида кўп кузатилиб, поэтик матнда нима олмоши не, на архаик шаклда қўлланганда, вазн талаби (силлабик тенглик, қофия талаби), талаффуз қулайлигига мослаштирилади ҳамда айрим ўринларда экспрессив вазифа бажаради»¹.

Қўлланишдаги ана шу қулайлик унинг нима, қандай, қанча олмошлари билан синонимик муносабатга киришишига, улар бажарган вазифани бажаришига сабаб бўлади. Аммо бажарганда қандай бажаради? Шунчаки ўрин алмаштириш содир бўладими ёки бу жараёнда матн поэтикасига хизмат қилувчи воқеалар ҳам юз берадими?

«Сайланма»да не қўлланган ҳолатлар 35 та бўлса, нима 47 марта, қанча 32 марта, қандай 49 марта қўлланган. Аммо бу сўроқ олмошларини не билан бемалол алмаштириб қўллашга имконият бор дегани эмас. Фақат маълум ҳолатлардагина тежамлилиқ тамойилига итоат қилинади.

Нимагадир шўхлик ҳам қизиқ!

Босолмади дил чанқоғини. (Болаликнинг сўнгги кунлари)

Олов ямлаётган қанотга боқиб,

Негадир титраниб кетди лаблари (Қуш ҳақида баллада)

¹Юсубова Р.Н. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилиқ ва ортикчалиқ (А.Орипов лирикаси мисолида): Филол. фан. номз. ...дис. автореф. - Тошкент, 2011. - Б 11.

Куйидаги тежамлиликка вазн эмас, қофия сабабчи:

Осмон ҳам бўлиб ғаним,

Қайтиб тушса — **не** ғаним!

Бир тош тушса тушибди

Тогдай бошимга маним. (Осмонга ҳам...)

Қайтиб тушса — нима ғаним! тарзида бемалол мисра тузиш мумкин ва бунда вазнга путур етмайди. Аммо ғаним ва маним қофиядошлиги бунга йўл қўймайди.

«Сайланма»да уч ўринда не такрор қўлланган:

Мен-чи, анов аёл-ла сурдим,

*Тушларимда **не-не** давронлар! (Гладиатор).*

Кунлардан бир куни юртни ёв босди.

***Не-не** йигитлар аёвсиз урушда жон бердилар (Қоработир юртнинг эркаси...).*

Аза очар мен ўлсам бир халқ

*Кўк кияди **не-не** боёнлар (Қоработир юртнинг эркаси...)*

Бу ерда *не* нинг такрор қўлланишида тежамлилик тамойили амал қилган эмас. Унинг ўрнида *қанча* олмошини қўллаш мумкин. Аммо иккиннинг бирини танлаш лозим бўлганда, уларнинг бадий-эстетик қиммати инобатга олинади ва таъсирчанлик, шеърят руҳига хос бўлган кўтаринкилик *не-не* да устунлик қилади.

Юқорида таъкидланганидек, *не* ва келтирилган бошқа олмошлар ўртасидаги ўзаро алмашилиб қўлланишлар Усмон Азим «Сайланма»сида ниҳоятда кам ва бунда тежамлиликдан кўра таъсирчанлик ва тасвирийлик тамойили устунлик қилади:

-не ва-қанча:

Кўкка бокдим, ўт туташди жоним аро...

*Қат-қат булут қатларида **не** сир-асрор! (Тонг титрайди...)*

Йигит... Йигит билан **қанча** ишим бор!

Аммо қиз йигитни шундай суярди — (Ўша — мени...)

Мана, тонг чоғида ишга кетаяпман.

-не ва қандай:

Шоирнинг умридан ахир, **не** маъни?

У куйлар — қалбларда ловиллар қуёш. (Ғафур Ғулом ҳақида хужжатли фантазия).

Юрак, азобдасан — қандай дард эзар? (Дашт ҳақида баллада)

Менда овди **қандай** олмалар! — _

Худди қизнинг кўксидай таране. (Ариқ бўлдим).

Ушбу таҳлиллардан маълум бўладики, шеърий матнлардаги сўз шаклларининг қисқарувга юз тутиши аниқ бир мақсад кўзланган ҳолда амалга оширилади. У вазн талаби, қофия сингари талаблар билан бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам мазмунга зарари тегадиган тежамкорликнинг аҳамияти бўлмайди. Ҳам мазмунга, ҳам шаклга путур етмаган ҳолда, шунингдек адабиётнинг алоҳида хусусияти — бадий-эстетик вазифаси унутилмаган ҳолда амалга ошрилган тежамкорлик ва қисқарув шеърий матн учун аҳамиятлидир. «Сайланма»даги айрим қисқарувлар таҳлили Усмон Азим ҳар бир тил элементини уларнинг микро ва макро матндаги ўрнини тўлалигича англаган ва ҳис этган ҳолда қўллаганлигидан далолат беради.

Маълумки, нутқда жонлантириш жонсиз нарса-предметларга нисбатан жонли нарсалардек муносабатда бўлиш демакдир Ўзбек тилшунослигида яратилган айрим илмий, илмий-оммабоп ҳамда ўқув адабиётларида жонлантириш ҳақида маълумотлар берилади. Таъкидлаш жоизки, жонлантириш: бадий нутқ учун характерли бўлган услубий воситалардаи саналиб, ундан ҳар бир ижодкорнинг мақсадга мувофик фойдаланиши ўз таланти маҳорати билан боғлиқ равишда амалга ошади.

Усмон Азим ҳам ўз асарлари тилини бойитишда жонлантириш воситасидан унумли фойдаланади. Шоирнинг «Дераза ҳақида баллада» шеъри фалсафий мушоҳадаларга бой бўлиб, дераза тимсолида гўзал жонлантириш ясай олган:

*Ахир, бу дунёда бир девор бор-а,
Бедорлиги камдир, уйқулари мўл.
Ана хуррак отиб ухлар беармон,
Дераза термулар деворга ғамгин.
Бир кун қайтмас бўлиб кетаман, ишон!*

Инсон атрофидаги энг азиз бўлиб келган нарсани сезмайди, ундан ажралгандан кейингина нақадар азизлигини тушуниб етади. Ана шу оддий ҳақиқат мисралардаги жонлантиришнинг энг яхши намунаси орқали ифодаланган: Девор-уйқуси мўл, бедорлиги кам, ухлар беармон, унинг ҳар доимги ҳамроҳи ғамгин дераза у билан бир умрга видолашяпти. Кўринадики, шоир ҳар бир жонлантириш воситасидан фойдаланишда фалсафий мушоҳадаларга тўлиб-тошиб боради. Ушбу сатрларга диққат-эътиборни қаратайлик:

*Юрагим кўксимга қайтиб қўнади,
Бахтли шамолларга ярқирар манглай.*

Яхши биламизки, юрак инсон танасини тарк эта олмайди, қувонганда ҳам, хаяжонлаганда ҳам танадан чиқиб кетадигандай гурс-гурс уради, ана шу шоирона тасвир юқоридаги мисраларда оддий тил воситалари орқали очиб берилган. Шунингдек, *шамоллар бахтлими, бахтсизми* буни биз билмаймиз. Лекин у инсонни ҳар куйга солиши маълум. У одам билан ўйнашиб тинч қўймайди, бу ҳолат жонлантириш воситаси орқали аниқ ва ёрқин чизиб берилган. Усмон Азимнинг «Армон ҳақида баллада» шеърида ҳам жонлантириш приёmidан унумли ва ўринли фойдаланиш кузатилади.

Босиб кела бошлар шом қоронғуси

Уйларда чироқлар чарақлар шўх-шаън.

Бу хона кечани кутиб олгуси

Хўмрайиб, бадқовоқ бир назар билан.

Шеър мисраларида шом сўзи жонлантириш приёмини юзага келтириш учун ҳам ишлатилган. Маълумки, шом - энг ғамгин пайт, шунга кўра хонани қоронғулик босиши жонлантириш тарзида тасвирланган.

Усмон Азимнинг фалсафий маънодаги шеърларидан ташқари севги ҳақидаги назмларида ҳам жонлантиришнинг такрорланмас дурдоналари яратилган. Жумладан:

Мен қуладим қарашларингга-

Борса келмас муҳаббат сари.

Ҳамма нарса ўйланган. Пухта.

Тонг отади. Қуёш кулади.

Албатта, тонгнинг отиши ва қуёшнинг чиқиши ҳеч ким илғамаган тасодифий воқеалар замирида шакллантирилган. Бунда шоир қуёшнинг қандай чиқишини «**битта**» кулади сўзи билангина ифодалаб бера олган. Бунда ҳам гўзал жонлантириш ҳосил қилинган. Яна севги ҳақидаги бошқа шеърида ҳам қуёш тимсолидан жонлантиришни ҳосил қилади:

Кўнгил салқинида севги - бир шабнам,

Қуёш кулганига яшаб ўтадир.

Мисраларида «қуёш», «шабнам» сўзларининг такрор-такрор қўлланиши улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни сақлаган ҳолда янги-янги маъно касб этган.

Маълумки, шоир ўз юртини севади, унга меҳр-муҳаббат билан қарайди ва ўз соғинчини ўзига хос тарзда жонлантириб, гўзал манзаралар чиза олади:

*Майсалар, товоним сизни соғинар,
Тоглар, виқорингиз қалбимда мангу,
Қайдадир қўзичоқ бўзлар, оҳ урар,
Қирларда адашган соғинчимми-у?*

Мазкур мисралардан маълум бўладики, шоир «Товоним майсаларни соғинар», «қўзичоқ бўзлар», «адашган соғинч», яъни шу учта жонлантириш санъати намуналари орқали юрт соғинчини тўлиқ ифодалай олган. Кўринадики, Усмон Азимнинг фалсафий-таълимий, шунингдек, севги ҳақидаги шеърларида жонлантириш воситасидан унумли фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.

Усмон Азимнинг “Инсонни тушуниш”дан бошлаб “Юрак”, “Фонус” тўпламларигача бўлган ижодий йўли уни ижодкор сифатида анча юқорилаганидан далолат беради.

Она мавзуси санъатнинг ҳар қайси тури учун азалий ва абадий мавзулардан биридир. Зеро, тириклик, бардавомлик оналар туфайлидир. Ҳаваскор ижодкор сўз санъати остонасига қадам қўяр экан, энг аввало, Ватан, она мавзусига мурожаат қилишининг боиси ҳам ана шундан.

Усмон Азимнинг “Онамга мактуб” шеъри “Дарё” (1986 й) шеърий тўпламидан ўрин олган. Шеърнинг илк мисрасидан лирик қаҳрамон кайфияти ва руҳий олами куз фасли билан боғлиқ ҳолда ёритилганига гувоҳ бўламиз. Қайд этиш керакки, куз фасли билан боғлиқ табиат ходисаларини лирик қаҳрамон руҳиятини очишга хизмат қилдириш Усмон Азим шеъриятига хос хусусиятлардан биридир.

*Эрта-индин елар изғирин,
Йиқилади боғларда туман.
Анлагани яшашнинг сирин
Сўзлашаман ёмғирлар билан.*

Лирик қаҳрамонни бундай тушкун ҳолатдан ёр-дўстлар давраси, суҳбати халос этолмайди. Чунки у қўмсаган, истаган нарса маст-аласт давра, манфаат асосига қурилган, заиф ришталар асосига қурилган дўстлар меҳри эмас:

Масту аласт, беғам дўсту ёр.

Толиқтирар қалбимни маним.

Шунда бирдан бўлади ошкор

Ёлғизлардан ёлғиз эканим.

Инсон ҳаётдан маъно тополмаган, зериккан чоғларда илиқ бир тафтни - меҳрни қўмсайди. Бундай меҳрни на дўстдан, на севимли ёрдан топиб бўлади. Фақат оналаргина фарзандини беғараз севади, уни кўз қароғида асрайди. Лирик қаҳрамон энг гўзал шеърини ёзгандан сўнг онасини эслаб йиғлаши бежиз эмас. Энг гўзал шеърини яратиш ҳар бир ижодкорнинг орзуси. Ўзи ёзган шеърдан кўнгли тўлиши ва ана шундай ном билан аташи ижодкорга мислсиз руҳий қониқиш, қувонч ҳадя этади. Бундай дам эса ижодкорга умуман насиб этмаслиги ҳам мумкин. Насиб этган тақдирда эса бундай қувончлик лаҳзаларни онаизор билан баҳам кўришни истайди. Аммо она ундан олисда бўлса-чи?

Деразага ҳўл бағрин босиб,

Кузак туни сурганда хаёл –

Мен энг гўзал шеъримни ёзиб,

Сизни эслаб йиғлашим аён.

Бу сатрларда она кўкка кўтариб мақталмаган, унинг шарафига мадҳ-сано ўқилмаган. Шеърнинг бирор ўрнида она сўзи ишлатилмаган. Шеърнинг ким ҳақида эканини унинг сарлавҳасидан билиб олиш мумкин. Шундай бўлса-да, шоир ўз фикрини ўқувчига тўла-тўқис етказа олган. “Ҳақиқий шоирнинг руҳ ва фикр мақоми ўзига хос, доимо юксак бўлади. Бу ўзига хослик ва юксакликнинг муҳим бир жиҳати -оломонни

қизиқтирувчи, оломонга маъқул келувчи фикр ва туйғулардан шоир қалбининг покланишидир. Акс ҳолатларда шоир оломоннинг ортидан эргашиб юрмаса, ўзи хоҳласин, хоҳламасин оломон куйчисига айланиб қолаверади,” деб ёзади адабиётшунос олим Наим Каримов.

Усмон Азимнинг “Иккинчи апрель” (1987 й) китобидан ўрин олган “Она келганингизда...” шеърига диққат қаратамиз:

Она, келганингизда

Кўйлақ олиб бермадим...

Пулим йўқ эди, она.

Она, келганингизда,

Очилиб гаплашмадим...

Вақтим йўқ эди, она.

Лирик қаҳрамон она олдида кулиб юрмаган, боиси у ўзини бахтсиз санайди. У қанчалик бахтсиз бўлса-да, ўксиниб ҳам йиғлолмайди. Боиси бунга унинг ҳаққи йўқ. Шеърнинг сўнгги бандида лирик қаҳрамон онасига тилак билдиради:

Она, бахтиёр бўлинг!

Сизни қўлласин тақдир.

Она, бахт ўзи нима,

Она, бебахтлик надир?...

Фарзанд онани бахтиёр бўлишини истамоқда. Лекин юқоридаги мисраларни ўқигач, бунга ишониш мумкинми? Йўқ, асло. Ҳаёт синовларига зўр-базўр дош бериб келаётган, бахтсизликдан бўғилган фарзанднинг онаси ҳеч қачон бахтли бўлолмаслиги аниқ.

Мазкур шеърда шоир характериға хос хусусиятларни ҳам, йилларнинг дард-аламли акс-садосини ҳам кўриш мумкин,

кечинмаларнинг лирик ифодалари шеърга жонлилик, ҳаётий жозиба бағишлаган.

Лирик ифодани аввал уч мисралик, сўнг тўрт мисралик бандда берилиши шеърнинг бадииятини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бундай усул фикр шиддатини ва таъсир кучини оширган. Шеъринг матнда унинг яхлитлигини таъминлаб турадиган “реле” (электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб) вазифасини бажарувчи сўзлар бўлади. Шеърда шакл яхлитлигига путур етса, мазмун ҳам парокандаликка учраши табиий. Реле сўзларнинг ахамияти тўртлик, учлик, фард сингари кичик ҳажмли лирик шеърларда намоён бўлади. Чунки ҳажмнинг сиқиклиги уларда реле сўзларнинг бўртиб кўринишига ёрдам беради. Юқоридаги шеърда “она” сўзи ана шундай вазифани бажарган. Ҳар бир банднинг она сўзи билан бошланиб, шу сўз билан тугаши ёки аниқ йўналтирилган мурожаат китобхон фикрини шу сўз атрофига жамлайди.

Усмон Азимнинг шеърлари осон ўқилмайди, енгил “ҳазм” бўлмайди. Уларни ўқиш асносида ўқувчи ҳам фикрлайди, ўйлашга мажбур бўлади, ўз-ўзини тафтиш қилади. Зеро, чинакам шеъринг шундай бўлади, қоғозларда қолиб кетмайди, юракларга кўчади, ҳаракатлантиради, ўйлантиради, доғлантиради, хотиржамлик беради.

II БОБ. УСМОН АЗИМНИНГ СЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

II. 1. Усмон Азим ижодида лексик-семантик ранглар поэтикаси

Инсоннинг мураккаб руҳий ҳолати ранглар орқали яққолроқ намоён бўлади. Бунда ранглар табиий хусусиятларига хос равишда қўлланади. Бу хусусиятлар эса уларнинг иссиқ ёки совуққа ажралиши билан аҳамият касб этади. Маълумки, сариқ, қизғиш, қизил, пушти кабилар иссиқ ранглар саналса, совуқ ранглар гуруҳини эса кўк, мовий, зумрад, яшил кабилар ташкил этади. Бундан ташқари, ранглар рангли ёки рангсиз (фақатгина тусдан иборат)лиги, яъни хроматик ва ахроматиклиги (хроматик лотинча “хрома” - ранг сўзидан олинган, “ахрома” рангсиз маъносида)га кўра ҳам таснифланади. Хроматик рангларга оқ, қора (ва кулранг - икки рангнинг аралашуви) кирса, қолган барча ранглар хроматик гуруҳга тааллуқлидир.

Ранглар адабиёт тараққиёти давомида дастлаб ифодаланаётган деталнинг сифатловчиси бўлиб, бадиий тасвирни кучайтиришга хизмат қилган бўлса, кейинчалик унинг функцияси мураккаб композицион вазифани адо этишга йуналтирилди.

Ранг билан боғлиқ рамзлар мавзуси жаҳон тилшунослиги ҳамда адабиётшунослигида турлича йуналишларда ва турфа нуқтаи назарлардан келиб чиқиб ўрганилган. Б.Тайлор, В.Тернер, А.М.Веселовский, В.А.Потебня, В.М.Жирмунский, А.Камю, А.Лосевлар тадқиқотлари шулар жумласидандир. Ўзбек тилшунослигида ва адабиётшунослигида рангларнинг шеърятда қўлланиши бўйича бир неча ишларда умумий тарзда, йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган. Булар ичида А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Маҳмудов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов,

М.Йўлдошевларнинг фикрлари эътиборлидир. Жумладан, Ё.Исҳоқовнинг “Навоий поэтикаси” номли монографиясида, асосан, мумтоз адабиётимиздаги рангларнинг мажозий хусусиятларига, эътиқодий-анъанавий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган. Ш.Турдимов эса ўзбек халқ кўшиқларида поэтик рамз ва рангнинг рамзийлиги хусусида кўпроқ анъанавийлик нуқтаи назарига таянган ҳолда фикр юритган. Н.Жуматова “Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар” мақоласида рангларнинг қўлланиш омили сифатида халқ оғзаки ижодидаги муносабатни асос қилиб олади ва бу анъанавий рангларнинг қўлланишини ҳозирги ўзбек шеърияти билан боғлаб таҳлилга тортади.

Ранг, энг аввало, эътиқодий тушунча эмас, балки табиий (физик) ҳодисадир. Шу физик ҳодиса хусусиятига кўра инсоният рангдан ўз ижтимоий-ғоявий, эътиқодий мақсадлари йўлида, биринчи навбатда, унинг табиий хусусиятларини ўзлаштиргани ҳолда фойдаланган. Рангларга рамз воситаси сифатида, рангларнинг қўлланишига эса анъанавий муносабат шаклида ёндашиш билан чегараланиш, назаримизда, адабиётда, хусусан шеъриятда рангларнинг қўлланишининг тўла ғоявий-эстетик хусусиятларини очиб бериш учун оздек кўринади. Бизнингча, адабиётда рангларнинг қўлланиш хусусиятларини қуйидаги тавсиф асосида тадқиқ этилса, ўзбек шеъриятидаги рангларнинг ғоявий-эстетик хусусиятлари кенгрок очиларди: а) минтақавий, б) диний-эътиқодий, в) мафкуравий-сиёсий, г) умуминсоний тушунчаларга ва д) рангларнинг табиий хусусиятларига кўра.

Адабиёт тараққиёти давомида, хусусан шеъриятда рангларнинг вазифаси кенгайиб борди. XX аср ўзбек шеърияти айна хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунки бу асрда ўлкамиз ҳаётида кескин,

зиддиятли ижтимоий-сиёсий воқеалар юз берди. Бу воқеаларнинг бадиий инъикоси шеъриятда ранглар воситаси орқали намоён бўлди. Ўша давр руҳи, кечинмалари, орзу-умидларини яққолроқ ифодалашда муҳим роль ўйнади. Ҳар бир поэтик образни ижобий ёки салбий жиҳатдан бадиий баҳолашда асосий омилга айланди. Бу ҳол ўтган асрнинг 80-90-йилларида поэтик усул даражасида намоён бўлди. Ранглар энди поэтик образларнинг сифатловчисигина бўлиб қолмай, балки ўзи мустақил поэтик образ сифатида қўллана бошлади. Шунингдек, ранглар орқали ижтимоий-сиёсий, ҳаётий-фалсафий муаммоларга ишора қилиш анъанага айланди.

Усмон Азимнинг “Графика” шеърида сифатлашнинг ўзига хос намунаси яратилган бўлиб, шоирнинг бадиий ғояси тўғридан-тўғри ранглар воситасида ёритилади. Бунда ранглар сўзларнинг сифатловчиси сифатида бирикиб келган бўлса-да, аслида ўша сўз рангни ифодалаб келаётгандек таассурот қолдиради:

Унутишинг - қора, ҳижронинг - қора,

Соғинчинг оппоқдир, ғамларинг - оппоқ.

Шеърда дастлаб оқ ва қора ранглар ўртасидаги контрастликни юзага келтирувчи ҳолат берилган: қора кўз ва қошга оқ юз ва кулиш карама-қарши қўйилади. Шунингдек, таъна тошлари қора бўлса-да, ғамгин боқишлар оқ билан сифатланади. Натижада ўқувчи кўз ўнгида бу поэтик образлар ўзгача гавдаланиб, худди оқ ва қора катаклардаги шахмат сипоҳлари сингари шаклга киради.

Яъни қора доналар унутиш, ҳижрон, ўч, вақт, бахт, тақдир бўлиб келса, оқ доналар соғинч, хат, дард, ёш, юрак сифатида намоён бўлади. Шоирнинг нима учун айнан фақат оқ ва қорани танлаганининг боиси шеър сўнгида фош этилади:

Мен милён буюқни билардим, ахир,

Иккимиз бахтиёр бўлган чоғларда...

Лирик қаҳрамоннинг фақат оқ ва қора рангларга мурожаат этиши унинг рухий ҳолати инъикоси. Хроматик ранглар - бу шоир эслаётган бахтиёр чоғлар, ундаги кечмиш ҳис-туйғулар “ўша милён буёқ”дир. Лирик қаҳрамоннинг тасвирланаётган ҳозирги ҳолати хроматик рангларсиз, фақат ахроматик бўлган оқ ва қора рангдангина иборат.

Шундай қилиб, шоир бадий ғояни ифодалашда ранглардан мусаввирона маҳорат билан фойдалана олган. Ҳис-туйғу умид-ишончсиз, яъни рангларсиз муҳитдаги воқеликнинг моҳиятини чуқур фалсафийлик билан очиб беришга муваффақ бўлган. Тасвирда оқ анъанавий-умуминсоний тушунча ифодалаб келмоқда.

Шўролар даврида Усмон Азим ижодида ранглар билан ижтимоий-сиёсий ҳамда мафкуравий муаммоларга ишора қилиш поэтик усул даражасига кўтарилган. “Мангу йўл” шеъри фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Шеърда ғоя қизил рангнинг шартли рамзий хусусияти орқали очиб берилади. Светофорнинг уч рангли чирокларидан бири бўлган қизил чироқ поэтик образ даражасига кўтарилади. Маълумки, йўл ҳаракати қоидасига мувофиқ чироқнинг қизили ҳаракатнинг тўхташини билдиради. Лекин шоир зоҳиран ўша чироққа мурожаат этаётган бўлса-да, моҳиятан қизил ранг билан қизил империяга ишора қилаётганини пайқаш қийин эмас:

Қизил чироқ - йўл йўқ. Тўхтагин!

Мансаб! Қизил, қип-қизил чироқ.

Шеър сўнгида лирик қаҳрамон тилидан ҳаётдаги турли қаршиликларга тўсиқлар “қизил чироқлар” тимсолида келтирилади.

Яшаркансан ёниб, курашиб,

Юрагингни чорлар йироқлар.

Йўлларингда ётар қалашиб,

Майда-чуйда қизил чироқлар.

У.Азим бу каби шеърларида ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини ранглар воситасида мусаввирона тасвирлаб беради. Бунда у ўша даврда ҳукм сурган кучларнинг рамзий рангларини аниқ белгилаб, ўз “полотно”сида равшан акс эттиради. Натижада шоирнинг ранглар билан яратган 80-90-йиллар “картинаси” ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлди.

Келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, шеърларда рангларнинг қўлланиши икки хилда намоён бўлган: анъанавий-умуминсоний ва мафкуравий-сиёсий тушунчага кўра. Рангларнинг умуминсоний тушунчага кўра қўлланишида шоир оқ рангни бахт, қорани бахтсизликни ифодалашда қўллагаи. Ушбу рангларга муносабатнинг мавжуд шакли инсониятнинг бугунги тушунчаларида шу тарзда шаклланган. Мафкуравий-сиёсий тушунчага кўра қизил рангни тўсиқ, тақиқ рамзини ифодаловчи сифатида қўллаган. Чунки қизил ранг шўролар ҳокимиятининг рамзи сифатида тарихда қолди.

Шоир ранг ифодаловчи сўзларни заруриятга биноан қўллар экан, улар вазифа-моҳиятига тескари ҳолларни ҳам, уларга монанд келувчи қофиядошлик ва жиҳатларни ҳам атрофлича мушоҳада қилади. Бундай чуқур ёндашиш кўп ўринларда оригинал натижалар беради. “Сочларимга оқ тушди...” деб бошланувчи шеърида “оқ” сўзига “оҳ”, “чоҳ” сўзларини яқин олиш, қофиялаш орқали айни пайтда маъно қарама қаршилигини муваффақиятли ҳосил қила олган:

*Сочларимга **оқ** тушди,*

Кўзларимдан кетди нур...

*Ҳар сўзимдан “**оҳ**” тушди,*

Илкимга минг чоҳ тушди –

Руҳим ўлганда мастур.

(“Сочларимга оқ тушди...”)

Худди шундай йўсинда шоир яшил рангга сариқ рангни зид қўяди. Бу ранглар ҳам табиатдаги ўз маъно ифодаларидан узоқлашиб, инсон омилининг, кайфияти, руҳиятининг зуҳурига айланади. Тўққиз бандли, енгил вазнли “Ям-яшил боғ ичра...” шеърида “сариқ” ранг-сифат феъллашган ҳолда “яшил” билан қаршилантрилади, тазод ҳосил қилади:

Ям- яшил боғ ичра

Япроқ саргайди.

Кўнглимда бир нозик

Титроқ саргайди...

(“Ям-яшил боғ ичра...”)

Айни мазмуннинг янада бошқача поэтик талқинини шоирнинг ўзга бир кичик шеърида кўрамиз. Унда яшиллик ҳисси, орзуси нафақат сариқликка, шунга яқин “қирмизи” рангга ҳам барабар қарама қарши маъно ҳосил қилади:

Хазонли боғларнинг адоғи йўқдир,

Қочмоққа – дунёда кенгликлар абас.

Кўнглимнинг бир яшил япроғи йўқдир,

Саргайган – сўзим-у, ўт олган – нафас,

Токларнинг барглари қон ичди – қирмиз,

Тераклар учқунлаб ёнаётир – шам.

Кузакка урилиб англадим илқис:

Ўтган куним кўпдир, қолган оним – кам.

(“Хазонли боғларнинг...”)

Рангни билдирувчи сўзларнинг кесим бўлиб келиши таъкидни янада кучайтиради. Шоир бу имкониятдан фойдаланади:

Олча – шафақранг. Ўрик –

Сарик, қизил... Худойим!

Бу куз бунчалар тиниқ,

Бу кун бунча мулойим!

(“Олча – шафақранг...”)

Ҳаракатни ранглар воситасида ҳис эттиришга уриниш Усмон Азим шеърлятида учрайди. Бу нозик илғам шоирнинг “Кундуз... Кеча... Кундуз... Кеча...” номли шеърлида муваффақиятли чиққан:

Қизил, сориғ рақслар қайда –

Баргларнинг сўнг ўйини?

Ер тағига ёмғир ҳайдар

Боғнинг сочқин рўйини...

Шоир – фасллар куйчиси. Ўзбек шеърлятида ҳеч қайси шоир Усмон Азимчалик фасллар шаънига кўп асар битмаган. Унинг “Тазарру боғлари”, “Кузги боғдан келган шеърлар”, “Ёзги боғ”, “Қишги боғ”, “Баҳорги боғлардан келган шеърлар” туркумлари жуда машҳур. Куз ифодасида қизил, қизғиш, сарик, сарғиш сингари рангларни кўп қўллайди. Уларни кўпинча яшил рангга, яшилликка контраст кўяди. “Барглар ёдимга тушди” шеърлида, гарчи тилга олинмаса-да, яшиллик соғинчи бор. Бунда қизил сўзи қадимий вариантдаги “ол” шаклида келади:

Ол шафақ жон узади,

Кўкарар гардун...

Боғларда тинч сузади

Туман ва тутун...

Не учун хаёл учди,

Хўл бўлди ёқам?...

Барглар ёдимга тушди –

Тутунга боқсам.

Маълум бир фаслга хос рангдан шоир ўша тил бирлигининг – ранг ифодаловчи сифатнинг барча имкониятларини ишга солади. “Оқ” ранг ишлатилган мисолларни келтирамиз:

Энди қишининг қорида қайтгум –

Бевазн оқ руҳида пайдо.

(“Дарз кетади...”)

Қандай оппоқдир олам –

Тоза, гўзал, мукаррам.

(“Қорнинг ёғишини тасвирлашга уч уриниш”)

– Менга бахш этгани яралмоқ бир ҳол,

Келдингми, азиз қиш –

Оқтан фаришта?!

(“Қиш”)

Оппоқ тўшакларда олади ором

Ўсишдан таътилга чиққан боғу роз.

(“Қиш”)

Оппоқ софлик ичраким,

Тегра-атроф муҳташам.

(“Эркин-эркин ёғди қор”)

Шундай қилиб, Усмон Азим ижодида ранглар муҳим рамзий образ даражасига кўтарилади. У рангларнинг турли хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланади.

II.2. Усмон Азим шеърлятида ундов сўзлар ва такрорларнинг қўлланиши

Ўзбек тилидаги ундов сўзлар прагматик вазифаси нуқтаи назаридан ўзаро фарқланади. Жумладан, ҳис-ҳаяжон ундовлари бевосита нутқ субъектининг эмоционал баҳосини ифода этгани сабабли тўғридан-тўғри прагматик хусусият касб этади. Буйруқ-хитоб ундовлари эса кўпинча иккиламчи вазифаларида прагматик маънога эга бўлади.

Демак, семантик жиҳатдан фарқланувчи ундовларнинг прагматик маъноларида ҳам фарқли жиҳатлар кузатилади.

Ўзбеклар нутқида шахсларга нисбатан эй, вей, ҳой, хай, ҳей, ув, ҳов, ҳув буйруқ-хитоб ундовлари ҳисобланади. Бу ундовлар мулоқот жараёнида кишиларни чақиритиш, уларга мурожаат қилиш вазифасини бажарганда ишоравий - дейктик хусусиятини намоён қилади. Буйруқ-хитоб ундовларининг нутқ объектига ишораси матн семантик таҳлили орқали аниқланади.

Ундов сўзларнинг нутқда муайян шахсга ишора қилиши хусусияти ҳақида билдирилган академик Ғ.Абдурахмоновнинг қуйидаги хулосаси ҳам аҳамиятли: “Ундалма кўпинча ундов сўзлар билан қўланади. Шу билан бирга, ундов сўзнинг ўзи ҳам мустақил равишда ундалма вазифасида қўлланиши мумкин. Бундай ундов сўзнинг мазмунан бирор шахс номи ўрнида келгани англашилиб туради: ундалмага хос чақиритиш оҳанги билан талаффуз этилади¹”.

Буйруқ-хитоб ундовларининг ундалма билан келган ҳолатдаги вазифасини устоз А.Ғуломов қуйидагича изоҳлайди: “Ундашни кучли ифодалаш учун ундалманинг олдидан ҳой, ҳов, ҳей, эй каби ундов

¹ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. Б. 100-101.

сўзлар ҳам келади... Баъзан ундалманинг ўзи айтилмай, тингловчининг диққатини тортиш учун ундов сўзнинг ўзи қўлланади¹”.

Ундов сўзларнинг ҳар бирида бир қанча маъно бўёқлари борлиги маълум ва улар тилшуносларимиз томонидан турли жиҳатларига кўра тадқиқ этилиб келинади. Шоир Усмон Азим буни чуқур ҳис этган ҳолда ундов сўзларни тафаккур қилади. Бир қатор ундов сўзларга поэтик маънолар юклаб, алоҳида бир шеър битади. Бу шеър “*Ундов сўзларга боғда ёзилган шарҳлар*” деб аталади. Мазкур шеърни тўлиқ келтирамиз:

О!.. – дарахт барг очибди.

Вуй!.. – боғ гулга кўмилган.

Уҳ!.. – нималар қилаяпти бу Аямажуз?

Вой-буй!.. – ҳосилнинг кўплигини!

Бай-бай!.. – боғ тўла мева. Тўкилиб ётибди.

Ие!.. – бир барг саргайди.

Оҳ!.. – хазонрез.

Уф!.. – бунча гамгин бу имиллаган ёмғир?

Уҳ!.. – яйдоқ шохларни оралаб, бир

зарра қор учиб ўтди...

Демак,

тугади ундов сўзлар

Энди баҳоргача

босиқ суҳбатдир...²

Шоир ундовларга атаб ёзган шеърида она тилидаги мазкур морфологик birlikларни муайян фасл, худуд камровида поэтик талқин этади. Шеър тагмаънолари чуқур тафаккур қилинса, яна шу нарса идрок қилинадик, ўзбек тилидаги ҳар бир ундов сўз вазият ва кайфиятга

¹ Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, - 1987. - Б. 151.

² Азим У. Фонус. – Т.: “Шарк”, 150-бет.

караб турли-туман маъно товланишларига эгадир. Шунингдек, мазкур асардаги ундовлар бу ҳали ҳамма ундов сўзларнинг қамрови деган таассуротга ҳам олиб келмайди.

Ундов сўзлар мисраларнинг турли ўринларида моҳирона ишлатилади; мисра бошида:

Воҳ!

Ана юлдузлар

экилган осмон...

Ў-ҳў!.. Не эртаклар

хазон боғларда

мисра ўртасида:

-Ҳо телба-ю, во телба!

Гапингни айтгин елга!

Дарахт йиғласа, йиғлар,

Не ташивиши бор сенга!!

(“Эртак”)

мисра охирида:

Чидамим зўр эсди

Ситамга... э, воҳ.

Бир япроқ дардида

Узоқ саргайди.

(“Ям-яшил боғ ичра...”)

Кетма-кет мисралар бошида ундовларнинг такрор келиши шеърни янада жарангдор қилади:

О, юракда оқмаётган эрк!

О, сўзларда такрор озодлик! –

Ўртамизда қандай ёвлик берк?

Ўртамизда даҳшатли ётлик.

(“Эркисизликдан кичкинадир эрк...”)

Жонли тилда кўп учрайдиган ундов сўзлар шоир шеърларида кўп учрайди. Улар кўпинча шеърдаги диалогда, яъни шеър ичида қатнаштирилаётган қандайдир перносаж нутқида келади ва турмуш манзарасини янада табиийлаштиришга хизмат қилади. Масалан:

– *Илон, ҳай!.. Жонимни бозлаган илон!*

Бу азоб ўйиндан топмадим маъни!..

– *Инсон, бу қўрқинчдан қутулмоқ осон,*

Кўзимдан кўзингни олсанг бўлгани...

(“Бу илон...”)

Тўрт тараф сувдир – тўполон,

На ором бор, на ҳаловат.

Қайиқ йиғлади: – Эй, уммон,

Сен ҳам қул айладинг беҳад!..

(“Занжирини узди қайиқ...”)

Бир қуш ҳориб, этди парвоз,

Шамолларга учди зори:

– *О, қайиққа нақадар соз,*

Ўзда йўқдир ихтиёри...

(“Занжирини узди қайиқ...”)

Юзини силашга

Улгурмай бирдан

Ариққа тушади

– *Воҳ, рессоргинам...*

(“Тор кўча”)

Шоир ундов сўзларни ундалмалар билан биргаликда қўллаш орқали ҳам лирик қаҳрамон руҳиятини, ҳис-ҳаяжони ҳамда унинг

муайян вазиятдаги ҳол-ҳолатини таъсирли очишга эришади. Буни шоирнинг кўплаб шеърларида учратиш мумкин:

*Ё, Оллоҳ,
яқинми охират рўзи?
Митти юраги ёрилгудай бу дам:
жисми чарчадимми –
нима бўлаяпти ўзи,
тупроққа қайтгиси
келяптими, эгам?*

(“Туш кўрди қиш...”)

Такрорлар шоир шеърларига алоҳида зийнат бахш этиб келади. Бу нутқ имкониятларига ҳам шоирнинг бағоят ижодий, наворотона ёндашувини кўриш мумкин. Усмон Азим такрорлари тил бирликларининг деярли ҳаммасига мансуб. “Ваъда бер!..” деб бошланувчи шеърини кузатайлик. У мазкур буйруқ гапнинг бир мисрадаги икки бор такрори билан бошланади. Шеърнинг уч банди (шеър тўрт бандли) кетма-кет шу хитоб асосига қурилган.

*Ваъда бер! Ваъда бер,
Дунёга қарашга-
Ҳатто ўлмасам ҳам,
Бемалол яшашга.*

Кейинги бандда нафақат биринчи мисра, балки иккинчи мисра сўзлари ҳам – иккинчи даражали гап бўлаги такрор бўлиб келади:

*Ваъда бер! Ваъда бер,
Ёнишга, ёнишга!
Мабодо ўлсам ҳам,
Яшашда қолишга.*

Учинчи банд такрорнинг ўзгача бир кўринишини тақдим этади. Бунда банднинг биринчи мисрасига ҳамоҳанг такрор энди учинчи мисрага хос:

*Ваъда бер! Ваъда бер,
Армонни кўмишига-
Менсиз ҳам, менсиз ҳам,
Ҳаётга кўнишига.*

Ундалмалар такрори мурожаат қаратилган шахс сиймосини янада аниқлаштириш, қатъиятни кучайтириш билан бирга таъкидни кутилган вазминликдан баланд авж пардаларга олиб чиқади. “Дўстлар даврасини киздирди шароб...” мисраси билан бошланувчи шеърдан олинган куйидаги биргина мисол орқали ҳам буни ҳис қилмоқ мумкин:

*Азизим!.. Азизим, деразага боқ,
Токчага қуш қўнди – бир ҳовуч ҳадик.
Иккита кўзида – иккита чироқ –
Сенинг ним қоронғу умрингга таҳдид.*

“Дил уйғонар” шеърига “бу” кўрсатиш олмоши такрорлари айрича оҳангдорлик бағишлаган:

*Қарор: фалак қат – қатдир,
Ранглар сонсиз – мукаррам.
Бу – дўзах, бу жаннатдир,
Бу – ўн саккиз минг олам.*

Сўзларни такрорий қўллаш санъати одатда ташқи безак, эстетик қабуллашни осонлаштириш учунгина қилимайди. Улар маънони, ҳис-ҳаяжон ҳамда қатъий фикрни чуқур, батамом уқтириш учун ҳам керакдир. Шу жиҳатдан қараганда шоирнинг “Юрак” мажмуаси сўнггидаги “Видолашув” номли 2008 йилда ёзилган шеъри алоҳида диққатни тортади. Шеърни тўлиқ келтирамиз:

Майса, раҳмат,
ўсишни эслатиб турдинг,

Қуш, раҳмат,
учишни эслатиб турдинг.

Осмон, раҳмат,
юксакликка чорладинг,

Ижод, раҳмат,
юракликка чорладинг.

Она, раҳмат,
Дунёмни меҳр этдинг,

Илҳом, раҳмат,
Оламни сеҳр этдинг.

Ҳаёт, раҳмат,
Азобга ўргатдинг,

Севги, раҳмат,
Саробга ўргатдинг.

Согинч, раҳмат,
Қанчалар сўлдирдинг,

Умр, раҳмат,
Ўлимга кўндирдинг...¹

¹ Азим У. Юрак. Шеърлар. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т.: 2009, 318-бет.

III БОБ. УСМОН АЗИМ ШЕЪРЛАРИНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

III. 1. Шоир шеърларида қўлланилган ундалмалар

Усмон Азим шеъриятини жўшқин, таъсирчан этган синтактик омиллардан бири ундалмалардир. Албатта, уларни шоирнинг – лирик қаҳрамоннинг услуб тарзи, одамлар, нарса-ҳодисаларга бўлган кўтаринки руҳдаги кайфияти тақозо этади. Илк ижодидан бошлаб то ҳозиргача яратилаётган шеърларида ундалмалар иштироки устувор воситалардан биридир. Шоирда ўзгаларда кам учрайдиган бир хусусият борки, бу ҳам бўлса, бевосита ундалмаларга дахлдор. Яъни, Усмон Азим лирик “мен”и ундалмалари нафақат инсонга, унинг муайян туйғулари, масалан, муҳаббатга, балки наботот, махлуқот, мавжудот, табиат ҳодисаларига ҳам қаратилади ва бу унинг асарлари пафосига алоҳида кўтаринкилик, теранлик бағишлайди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Усмон Азим лирикасида мурожаат мотиви ҳамма вақт етакчи ифода усулларида бўлиб келган. Ундаги ундалма қўллашнинг ёрқин ва кўп ҳоллари қуйидаги йўналишларда кузатилади:

- Инсоний ҳис-туйғулар, ҳолатлар, аъзолар ва қадриятларга қаратилган ундалмалар: одам, ғусса, соғинч, ғам, севги, хотира, ҳасад, ҳавас, андуҳ, бахт, кадр кабиларга;
- Наботот олами нарсаларига қаратилган ундалмалар: табиат, куз, киш, баҳор, ёз, майса, чинор, терак, арғувон, гул, тол ва ҳоказолар;
- Одамдан бошқа махлуқот вакилларига: тулпор, от, ит, капалак, ой, қуёш, юлдуз, само, қуш, ёмғир, шамол ва бошқалар;

- Илоҳга мурожаатлар: Худованд, Худо, Оллоҳ, Тангри, Парвардигор, Яратган каби сифатлар, исмлар ила мурожаатлар қилиш.

Айрим мисолларга мурожаат қилайлик:

Гар узун умрда Яшамоқ ширин,

Қолсам бўлмайдимми шу ёзда, Ҳаёт?

(“Новдалар...”)

“Ёз”, дейман, - ўгирилиб қарамайди у,

“Ёз...им” демоқликка тилим бормайди.

(“Осмон-кенг...”)

О, капалак!-ўзри – ўзри гулпараст!

Паризодим, ўзингни тежа –

Вужудингни сарфламагин маст.

(“Қизғалдоқзор”)

Шоир мазмунни баъзан батамом ундалмали мотивда ифодалаш орқали поэтик жозибани кучайтиради:

Жоним маним,

Қалбим маним,

Кўзим маним,

Ўзга вужуд аро толган ўзим маним,

Юзсиз қолган бу дунёда юзим маним,

Кузим маним –

Биз ҳам замонанинг зайлидирмиз...

(“Жоним маним...”)

Ушбу парчада ундалмалар миқдоригина эмас, уларнинг айни бир вақтда қофиядошлик ҳосил қилиб келишлари ҳам, ундалмаларнинг ўз сифатдош, аниқловчилари билан келишлари ҳам диққатга сазовордир.

Баъзан шоирнинг яхлит, ягона ундалмаси эга-кесимлилик муносабатини ҳосил қилиб, мурожаат ҳис-ҳаяжон қувватини юзага чиқаради:

Дунё – хизматкорим!

Буюк ишқ келтир...!

(“Ёшлик”)

Шоир муайян ундалмаларни, у кимга ёхуд нимага қаратилганидан қатъи назар, ярашиқ ундов сўзлар билан биргаликда қўллаб, маъно кучини оширади:

– Ёмғир йиқди деворин,

Боз нечун қочмагайдир,

Эй, дўст?

Ким олди ихтиёрин –

Нечун сўз очмагайдир,

Эй, дўст?...

(“Таълим”)

Ёйиқ ундалмалар гоҳида шоир шеърининг бутун хулосаси, асосий фикри, пафосини ўзида мужассам этадики, бу ҳол ҳам ижодкорнинг айни тил воситасига, нутқ имкониятларига гоҳида эркин ёндашуvidан далолат беради. Чунончи, “Мени ҳасрат енгди...” шеъри шундай хотималанади:

Алвидо! Зиёда

Ҳаётим маним –

Беш кунлик дунёда

Работим маним!...

Ундовлар, ундалмалар, уларнинг вазифалари замиридаги турли-туман маъно оттенкалари баъзан шоир шеъриятидаги бутун туркум

мазмун-мантиғининг етакчи мотивига айланади. “Сабрнинг бесабр парчалари” туркумини бу усулнинг ёрқин мисоли дейиш мумкин.

Лирик қаҳрамон “Шамол”га, “Боғ”га, “Тоғ”га, “Эй”га, “Бечора жон” ига, “Тош”га, “Гул”га, “Сой”га, “Эй!...Қорни оч”га, “Йўловчи”га, “Балиқ”қа, “Лабим”га, “Илдиз”га, “Юрак”қа, “Тупроқ”қа ва бошқа нарсаларга бирма-бир муурожаат қилади. Ҳар митти шеър залворини мазкур ундалмалар асосидаги фалсафий фикрлар белгилайди:

Тош!...

Бунча юмшоқсан, тош!

Бошимни ургани

Ҳеч нарса қолмади дунёда!...

Ёки:

Раҳмат,

лабим!

Болдан

воз кечган лабим,

раҳмат!

Энди сўзлар яралганидай

қозғозга тушмади-да...

Ушбу туркумдаги баъзи шеърларда эса уларда акс этаётган қаҳрамонлар “нутқи” таркибида ундалмалар иштироки кузатилади. Айниқса, ундалмалар такрори шоир шеърларида мазмун таъсирчанлигини орттиришга хизмат қилади:

Боз,

бу дарахтни нега қуритдинг?

сизмадимми бу шўрлик

шундай кенг қучоғингга?

Қўлимдаги болтани эса

Энди ўзинг овут, боғ...

Шоир ундалмалар кўллашда новаторона йўлдан боради. Шеър замиридаги катта фалсафий фикрни ифодалашда ёйиқ ундалмалар поэтик кўлам касб этади. Жумладан, “Мушкулот” шеъри шундай ундалмалари билан характерланади:

Умрида

бир марта ҳам

ўлмаган одам,

сен билан

нима ҳақида

суҳбатлашай?

Умрида

бир марта ҳам

тирилмаган одам,

сен билан-чи?

Усмон Азим ўқувчининг хаёлига ҳам келмаган нарсаю ходисаларга-да мурожаатини йўналтиради. Унинг лирикаси шу жиҳати билан ҳам ўқувчи диққатини ўзига жалб этади ва уни фикрлашга чорлайди:

Бу тонгнинг салқини

ўзгача

Неча кун қолди, вақт,

кузгача? (“Бу тонгнинг салқини...”)

Ранжи фироқ! Жабрингда ундим:

Теранликка тортди бедодинг,

Юксакликка отди барбодинг...

Қандай гўзал зулматга тўлди

Бўм-бўш қолган менинг ҳаётим!

(“Йўқ, жон каби...”)

Мисоллардан ҳам кўринадики, бу шеърият учун ундалмалар шунчаки сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки мурожаат воситасигина эмас. Шоир фавқулодда, ҳеч қутилмаган нарсалар, ҳодисалар, кечинмаларга ҳам хилма-хил мазмун ва шакллардаги ундалмалар билан мурожаат қилади. Натижада фикрнинг, ташбеҳ, тимсолнинг, образ ёки асар пафосининг жозибадорлиги кучаяди. Айни пайтда, шеърий нутқ учун ундалмалилик борасида ҳам ўзбек тилининг ниҳоятда кенг миқёсли имкониятларга эга эканлиги ҳам ҳис қилинади.

III. 2. Барқарор ифодалар-халқоналик омили сифатида

Мақол, иборалар ва ҳикматли сўзлар (паремалар) мазмун-моҳиятига кўра инсон тафаккурининг энг сара асл дурдоналари саналади. Мақол, иборалар, ҳикматли сўзларга хос белгилардан бири ва асосийси асарда ҳақиқатга ундовчи инкор қилиб бўлмас фикр ифодаланишидир. Уларда ифодаланган доно, ибратли фикр бир кишига эмас, балки барчага тенг бўлиши керак.

Мақол, иборалар ва ҳикматли сўзларнинг табиати ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, уларнинг халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам ажойиб ва энг сара намуналари мавжуд. Улар ўзбек фольклоршунослиги, тилшунослиги ва адабиётшунослигида муайян даражада тадқиқ этилган.

Чинакам шоир, миллат тилининг ана шундай хазинасидан кенг баҳраманд бўлади. Айни чоқда уларга муносабатда новаторлик кўрсатади. Яъни, уларни ҳақиқий маъноларида жаранглатиш билан бирга, иборалар, мақоллар, ҳикматлар яратишга, уларни шаклий-мазмуний бойитишга ҳаракат қилади. Усмон Азим ижодида ана шундай фазилатни кузатиш мумкин.

Усмон Азим шеърларида мақолларнинг қўлланиши. “Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама” мақоли шоирнинг бир шеърига асос бўлиб хизмат қилади. Сарлавҳасиз шеърга ушбу мақол эпиграф қилиб олинган. Шеър – воқеабанд: Ойна қийшиқ, фитнакор экан, деб подшоҳ ғазабланади, бўкиради, атрофдаги ҳамма мулозимлар, аъёнлар худди яшин ургандек, чўчиб тушади, сесканади; ойна синади, тўп-тўғри деб топилган бошқа ойнани келтиришади, у ҳам чил-чил бўлади, уста ҳам хангу манг, лол; уламо-мустар, хизматкорлар титрайди, вазирлар-хайрон ва қийшиқ кўрсатадиган ойнани келтиришади; “ҳукмдор хурсанд! Қийшиқ юзларида қийшиқ табассум!” Ҳукмдор бошқа ойналарни синдириб ташлашга буюради. Ҳаммани ўзини шу ойнада

кўришга чорлайди. Подшоҳ халқ устидан кулади: “Бунча бадбашара бўлмасанг, эй халқ!”

*Хотира қийшиқдир,
Ўй-хаёл – қийшиқ.
Юраклар- қийшайган,
Қибла-қийшайган,
Ҳатто қийшиқ қилиб айтилар қўшиқ,
Шиор: “Тўғри юрма!
Чалкаштир!
Айлан!”¹*

Шеърда кичик бир персонажда улкан бир умидворлик ҳис этилади. Ўйинқароқ бир бола тўғри ойна синиғини топиб олган ва гирён бир ҳолатда тасвирланади. Шу асосда шеър шундай яқун топади:

*Подшоҳлар ҳам ҳатто
Хом ишга қодир-
Ойнадан бир парча қопти-ку омон!...
Бола,
Энди сенга яшамоқ оғир.
Энди сен яшовчи дунёга осон...²*

Ушбу шеърда албатта, катта фалсафий-эстетик эзгу маънолар мужассам. Биз эътибор қаратган томон эса мақолга, шоир маҳоратига тегишли. Барча фазилатларнинг асоси бу шеърда биргина мақолга бориб туташадики, бу шоирнинг мақол қўллашдаги юксак маҳоратидан дарак беради.

*Дўст дўст учун жондан кечмаса,
Дўст дўст билан бормаса дорга.*

¹ Азим У. Уйғониш азоби. Шеърлар. Драматик қисса. Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 12-бет.

² Ўша асар, 13-бет.

*Дўст дўст учун оғу ичмаса,
Қуёш қора тортмасму ордан.¹*

“Бахшиёна”да қаҳрамон Оқботирнинг нутқидан олинган ушбу шеъррий парчада “Дўстинг учун захар ют” ўзбек халқ мақоли ажиб бир тарзда ишлатилмоқда. “Дўст дўст учун оғу ичмаса” мисраси ўша машҳур мақолга ишорадир. Магарки, дўст дегани шунга қодир, шай бўлмаса, чинакам дўст эмасдир, деган маъно англашилади. “Етти ўлчаб, бир кес” мақоли ҳам мазмунан қаҳрамон нутқига сингдирилган ва “тилингни тий” ибораси билан ёнма-ён қўлланган ҳолатини кузатайлик:

*Элбек бахши, тилгинангни тийиб сўйла,
Етти эмас, юз ўлчаб, бир қийиб сўйла.
Манов турган хазиначи – номдор одам,
Мол-дунёнинг қулфи шунда – суйиб сўйла. (200-б.)*

Ўзбек халқи ростгўйлик, ҳақ сўзни айтишга даъват этгучи мақолларга жуда бой. Масалан, “бошингга қилич келса ҳам, рост сўзла” мақоли халқ жонли муомала-муносабатида кўп ишлатилади. “Бахшиёна”да шоир ҳақиқатни юксак маромда улуғлар экан, қаҳрамонларнинг бу борадаги аҳволотига алоҳида эътибор қаратади. Мазкур мақолнинг мазмун-моҳияти қаҳрамон тавсифига бағишланган қуйидаги сўзларда ўз ифодасини топган:

*Шоирлар шеърларин юксак тахт дейди,
Лоф урмагин, айтгин мудом нақд дейди.
Бўлар элнинг фарзандлари, ботирлар
Тилин кесиб ташлашса ҳам “ҳақ” дейди. (206-б.)*

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Усмон Азим шеъриятида мақолларнинг аксарияти айнан, ўз шаклида кам учрайди. Кўпчилиги

¹ Азим У. Сайланма. Шеърлар. -Т.: Шарқ, 1995, 195-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди, саҳифада бетлари кўрсатилиб борилади.

шаклан ўзгарган, маънолари эса сақланган. Бошқача шакллар, сўзлар орқали ифода этилган фикрдан эса, қайсидир машҳур халқ мақолининг маъно-мантиғи бўй кўрсатади. Бу ҳол мақолга шунчаки ишорат эмас, балки мақолнинг моҳиятан бошқа шаклдаги ифодаси дейишга асос беради. Айниқса, Элбек бахши тилида шундай мисоллар кўп. Қуйидаги мисраларда “Интилганга толе ёр” мақоли Элбек бахши табиатидаги умидбахшлик хислатини теран ҳис эттиради:

Али бўлмадим

Деб ҳеч чекмагин алам,

Интилганга

Олгин дейди бу олам! (210-б.)

Шоир шеърлятида “Бош омон бўлса, дўппи топилади”, “Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб”, “Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас”, “Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас”, “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл”, “Фарзанд белнинг куввати”, “Она-дарахт, бола-мева” сингари ўнлаб мақолларга ишорат мисралар мужассам. Улар шоир шеърлярига нутқий фасоҳат бағишлаган.

Ижодкорларда новаторлик асарнинг турли компонентларида намоён бўлиши мумкин. Тил бирликлари доирасида ҳам, жумладан, янги сўз яшаш, унутилаёзган сўзларга эҳтиёж сезиб, уларни топиш, қайта кашф этиш, иборалар, ундов сўзлар, мақоллар яратишга интилишдек ҳодисалар илмда кўп таҳлил этилган. Бу йўсиндаги ижодий ҳаракат Усмон Азим шеърлятида ҳам кўп кўзга ташланади. “Эгилган бошни қилич кесмайди” мақоли ҳақгўйликни англатувчи таниқли мақоллардан биридир. Шу руҳни шоир шеърляга сингдириб қуйидагича иронияли поэтик талқин этган:

Бошингни баланд тутсанг,

*Бошингда кулфатинг бор –
Баланд бошни бу дунё
Қасдламасдан қўймайди.
Бошинг гар эгри бўлса,
Омонлик жонингга ёр –
Эгик бошни бу дунё
Кўзларини ўймайди.*

Усмон Азим шеърлятида қўлланган иборалар. Усмон Азим шеърлятига мақоллар, маталлар, фразеологизмлар ҳам ўзига хос услубий жилолар берганини идрок этиш мумкин. Шоир уларни ўз ўринларини топиб, зарурий ўринларда поэтик ўзгаришларга учратиб ишлатади. Маълумки, Усмон Азим ўзбек шеърлятига бахшиёна оҳангларни олиб кирган шоир. Унинг “Бахшиёна” туркумидаги шеърларининг асосий воқелиги ва қахрамонлари халқ достонлари сюжетларига бориб тақалади. Бу йўналишдаги ҳамма асарларида бугунги куннинг нафаси, умуминсоний эзгуликлар тараннум этилади. Шунингдек, “Бахшиёна” шеърларининг аксариятида худди халқ достонлари (“Алпомиш”, “Гўрўғли”) нинг шаклида бўлганидек, шеърлий матнлардан ташқари насрий матнлар ҳам иштирок этади.

Мақоллар, матал ва иборалар ёки уларга поэтик ишоратлар кўпроқ шоирнинг ана шу туркумдаги шеърларида, шу асарларнинг ҳам насрий, ҳам шеърлий матнларида кузатилади. Эътибор берайлик:

“Бахшининг дили тўлиқиб, ичида достон тўкилиб келяпти. Тилида қўшиқлар тузиляпти, қўли дўмбирага чўзиляпти... Шу алфозда кўзлари сузилиб, кўнгли бузилиб турган эди...” (205-б.)

Бу мисолда “кўзи сузилмоқ”, “кўнгли бузилмоқ” иборалари ўзаро кетма-кет қўлланилишига кўра ҳам характерлидир. Бу моҳирона усул “Бахшиёна”даги насрий матнни янада халқоналаштирган: Таъна

қилмаслик маъносидаги “ўзини тутиб олмоқ”, йиғини тўхтатмоқ маъносидаги “кўз ёшини ютиш” (192-бет) иборалари ҳам санъаткорона қўлланган.

“Улар шу алфозда қанча туришганини билишмади. Аввал Элбек бахши ўзига келди. Қараса кўзлари дардлашиб тўймайдигандай. Шунда ўзини тутиб олиб, кўз ёшини ютиб олиб, Ойтуманга гап қотди...” (192-бет)

Насрий матндаги бундай ифода бахшиёна услуб тақозосига кўра имкон қадар қофиядошликни талаб этади. Шоир муайян иборани ибора бўлмаган, ўз маъносидаги сўз, сўз бирикмалари билан ҳам қўллаш орқали матндаги мазкур талабни адо этади. Жумладан:

“Хуш қол бўлмаса, эгачим”, деб Элбек бахши отига қамчи тортди. “Яхши боринг, оғам”, деб Ойтуман сой бўйида тошдай қотди...” (192-бет)

Куйидаги насрий парчада ўз маъносидаги бирликлар билан ибораларнинг серкатлам қофияланиши, тизимланиши юзага келган:

“Осмонга мушаклар отилган, туяларга атлас-кимхоблар ёпилган, ёш-яланглар бўза ичиб бўқиришган, бир-бирига дўқ уришган, туя устидаги қизлар уларга лаб буришган, карвонбошининг пешонаси тиришган-олдинда келяпти...” (183-бет)

Шоир “димоғингни чоғ қилиб, кўксингни тоғ қилиб”, “кўлидан ушлаб, кўнглини хушлаб”, “оёғи увишди, кўз тушди” тарзида ўз маъносидаги бирикма билан иборалар қофиядошлигини ҳосил қилади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ўзининг қадимийлиги, узоқ асрлар сайқал топганлиги, жанрий кўлами ва ниҳоятда катта адабий мерос, хазиналиги билан дунёнинг энг бой маънавий йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, машхур “Алпомиш”, “Тўрўғли” туркумига кирувчи ўнлаб дostonлар бунинг далилидир. Усмон Азим замонавий

шеърият воситасида улар руҳига, мотивига мурожаат қилар экан, халқ жонли тилининг ғоятда кенг имкониятларидан моҳирона фойдаланади.

Баъзан шоир қайсидир иборани ҳеч қандай поэтик безаксиз, ибора сўзлари ўрнини ўзгаришсиз, ўз ҳолича қўллайди. Бундай ҳолларда ибора шеърдаги бошқа образли ифодалар ичида қолади ва ўқувчини ҳар маънони фикрлаб кўришга чорлайди. “Шўр пешона” ибораси қуйидагича вариантда қўлланилади:

Юракни тингламоқ бахти бор,

Қайғуни илгаоқ бахти бор.

Кечани шўр бошга ёпиниб,

Кўринмай йиғламоқ бахти бор –

Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша! (191-бет)

Одатда, “қанотини қайирмоқ” ибора ҳолида келганда, кишининг ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлишини, имкониятлардан маҳрум бўлишини билдиради. Бу эрксизлик Усмон Азим шеъриятида бахтсизликнинг бир кўриниши сифатида келади ва мусибатни кучлироқ ҳис эттириб, қаҳрамон ҳолатини чуқур очишга хизмат қилади:

Йўлимдан тайриндим – бахтсизман,

Қанотим қайрилди – бахтсизман.

Кечалар бошимга ё-илсин,

Мен сендан айрилдим – бахтсизман –

Аммо сен бахтиёр биқлгин ҳамиша! (191-бет)

Шеърий матнда ушбу “қанотим қайрилди” тарзидаги иборанинг “йўлимдан тайриндим” бирикмаси билан оҳангдош ишлатилиши юқорида насрий матнда келган бирикма + ибора қофиядошлигини эслатади. Қиёслаб кўрайлик:

... *“Шунда ўзини тутиб олиб, кўз ёшини ютиб олиб, Ойтуманга гап қотди” ... “Яхши боринг, огам, деб Ойтуман сой бўйида тошдай қотди...”* (192-бет)

Иборанинг асл маъносини, бир сўз билан англатадиган моҳиятини шоир янада кучайтириш учун уни олд ва орт мисраларда қофиялаб, таъсир қувватини оширган ўринлар талайгина. Қуйидаги бандда шундай ҳолни кўриш мумкин:

Аёлга суяман, деб айтдим,

Ишқингда куяман деб айтдим.

Сенинг босган изларингга

Бошимни қўяман деб айтдим. (185-бет)

“Кўнгли яримта”, “бағри қон”, “қалби шикаста” сингари ибораларга тилимиз бой. Шоир ўзининг “Бахшиёна” туркумига кирувчи “Карвон кўрдим – туялари бўзлаб келар” деб бошланувчи машҳур шеърида бу йўналишдаги иборалардан унумли фойдаланади. Шеърларининг ғоявий-бадий савиясини, халқчиллигини таъминлашда ўша иборалар муҳим аҳамият касб этади:

Мен-чи! Менга гоҳ шодлик, гоҳ алам тўлар,

Ҳар сатримга кулгум тўлар, нолам тўлар.

Бу олам-ку, маним дилим ярим этди,

Ярми билан куйласам ҳам олам тўлар. (189-бет)

Усмон Азим мақол, матал ёхуд ибора қўллашда ҳам наваторона йўлдан боришга ҳаракат қилади. Қуйидаги тўрт мисра ичида келган “қўшиғим гуллади” бирикмаси бир вақтнинг ўзида сўз ўйини, бадий санъат, образлилик сифатида ҳам, янгича бир ибора сифатида ҳам таассурот уйғотади:

Шом чоғи юлдузнинг бахти бор,

Согинчда ёлғизлик бахти бор,

Ҳасратда қўшиғим гуллади,

Шу гулга илдизлик бахти бор

Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша! (191-бет)

Элбек бахши тилидан айтилган “Карвон кўрдим...” кўшиғидаги нақорат байтда “пешонага ёзилгани” ибораси “пешонанинг ёздиғи” тарзида келади. Нақоратнинг ва нақоратда иборанинг такрор-такрор келиши маънони, таъсирчанликни, кўшиқдаги маҳзун кайфият ҳиссини тобора кучайтира боради:

Пешонанинг ёздиғидан айрилма, ёр,

Жоним чиқар – қўшиқ айтсам қайрилма, ёр! (188-бет)

“Кўзига қон тўлмоқ”, “бахти қора”, “тили айланмас”, “тош кўнгил” (тошбағир), “иши бошидан ошиб ётмоқ”, “иши орқага кетмоқ”, “кўзидан олов чиқиб кетмоқ”, “қўлига паттасини тутқазмоқ”, “ковушини тўғрилаб қўймоқ” сингари ўнлаб иборалар ҳам шоир шеърларида гоҳ айнан, гоҳ поэтик жилоланган ҳолда келади. Поэтик ўзгаришга учраб келган ибораларда ҳам аввало, иборага ишорат оҳанги дарров англашилади. Баъзи ўринларда ибора ёйиқлашади. Ҳамма ҳолатларда ҳам иборанинг эмоционал кучи сақланади. Тубандаги бандда “ортидан тош отмоқ” иборасини ҳис қилиш мумкин:

Ўзингни асрагин, армонлар ҳаққи!

Заминнинг хатарнок режаси пухта:

Ортингдан шовуллаб келаркан таъқиб,

Пинҳон тош умрингга қўяди нуқта!¹

(“Бекорга соҳилдан арқонни уздинг...”)

Албатта, ҳар қандай ижодкорда муайян эътиқодга мансублик бўлади. Она тили маъно нозикликлари ҳам эътиқодий қарашлар билан чамбарчас боғланиб кетган бўлади. Тилнинг турли лексик, семантик

¹ Азим У. Куз. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001, 374-бет.

бирликларидаги мантиқ-моҳият унинг туб маъно қатламларини билмаган одамга тушунарли бўлмай қолиши мумкин. Фразеологизмларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Таржима жараёнида таржима қилинаётган тилдан унинг муқобил варианты кидирилади. “Худо кўнглига солди” ибораси ҳар қандай шаклга солинганда ҳам тилимиз, эътиқодимизда фикрлайдиган одамга осон тушунилади:

Дунё

ва одам ҳақида ёз

Худо кўнглиннга соганини ёз

дунё

ва одам ҳақида.¹

“Қуёш калта” иборасини шоир қаҳрамон руҳиятини янада ойдинлаштириш учун, кайфиятга янада аниқлик киритиш учун келтиради. Қўлдан ҳеч нарса келмаслик – бу қўли калталиқ. Шеърда шу қўлдан ҳеч нарса келмаслик мазмуни айтилган бўлса-да, шоир кейинги мисрада шунга оид иборани – қўли калталиқни келтиради-ки, бу таъкид учундир:

Мен азобдаман

Сенга айтсам...

Қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

Қўлим – калта. (139-бет)

Алпомиш бўлай десанг,

Дунёга бир кўз ташла.

Кўнглинг тўлса, худо де,

Алпомишлиқни бошла. (54-бет)

¹ Усмон Азим. Фонус. Шеърлар. –Т.: Шарқ. 2010, 126-бет.

Усмон Азим шеърляти ҳам шуни кўрсатадики, фразелогик бирликлар (бирикмалар, гаплар) бошқа нутқ услублари сингари поэтик нутқ услубини ҳам гўзаллаштирувчи асосий воситалардан биридир. Фразеологик бирликларнинг барча турлари, хоҳ у субстантив (эга ҳукмида), хоҳ у предикатив (кесим ҳукмида) бўлсин, ҳолли, аниқловчили, аралаш турли бўлсин, матнга бирор қўшимча экспрессив мазмун бағишлаб, услубни мақсадга мувофиқ шакллантиришга хизмат қилади.

Ўз асарларини ана шу усулда яратувчи ижодкорлардан бири бўлган Усмон Азим шеърлари баҳрида қанчадан-қанча халқ донолиги яширинган. Халқ, оғзаки ижодига хос хусусият- бу сўз воситасида бирор ҳодиса ё нарса ҳақида хабар бериш эмас, балки ҳодисани жонлантириб, тингловчига кўрсатиш, уни гувоҳга айланттириш салоҳиятидир. Халқ турмуш тарзи билан яшаган, тафаккури билан мушоҳада юритган шоир Усмон Азим ижодида кайфият ва манзара жонланиб, китобхонга ёрқин кўринади.

Ҳозирги ўзбек шоирлари ижодида халқ оғзаки ижодига хос услуб, хусусан, халқ дostonлари йўлида шеър яратиш, ёхуд дoston қаҳрамонларидан муайян бадий-ғоявий мақсадда кенг фойдаланиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бинобарин, Усмон Азимнинг “Бахшиёна” китобига кирган халқ дostonлари руҳида ёзилган “Элбек бахши” ҳақидаги туркум шеърларини “Алпомиш” дostonининг қаҳрамонлари хусусидаги янгича ижодий изланиш сифатида баҳолаш мумкин.

Ж.Сувонова Усмон Азим ижоди мисолида ҳозирги ўзбек шеърлятидаги бадий изланишларни тадқиқ этар экан, шундай ёзади: “70-йилларга келиб, бахшиёна оҳанглар Усмон Азим шеърлятида янги бир кўринишда зухур топди. Бахшиёна шеърлар Усмон Азим шеърлятида алоҳида мавқени эгаллайди. Бахшиёналик шоир ижодидаги

услубий фаслни белгиловчи хусусиятгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, ўзбек адабиётида халқона оҳангларга асосланган янги бир жанрнинг пайдо бўлганини ҳам намойиш этди. Шунини айтиш лозимки, бахшиёна шеърни ўзбек ёзма шеърятига биринчи марта Миртемир олиб кирди. Тўғри, унеча ҳам миллий шеърятимизда халқона оҳанглар бўлган. Бу оҳанглар Муқимий ижодида қанчалик етакчилик қилган бўлса, Ҳ.Олимжоннинг уруш йилларидаги шеърларида ҳам уларнинг мавқеи оз бўлмаган. Аммо Миртемир бахшиёна оҳангга ўзгача бир сифат берди. У.Азимнинг бахшиёна шеърлари эса Миртемир келиб тўхтаган нуқтадан бошланади”¹.

Ҳақиқатан ҳам, бахшиёна услуб ва дoston мотивларининг янги талқини У.Азим шеърятига фавқулodда сифат ўзгаришлари ва ўзига хосликни вужудга келтирди. У.Азим туғилиб ўсган Бойсунда дoston айтиш анъанаси азалдан мавжуд. Шунинг учун унинг халқона руҳда шеърлар битиши, ижодида “Алпомиш” дostonи мотивлари кенг ўрин тутиши асло тасодифий ҳол эмас. “Элбек бахши” туркум шеърига мурожаат қилсак: “Элбек бахши шогирди Эломонга: “Дунёга айтадиганингни айтгин, димоғингни чоғ қилиб, кўксингни тоғ қилиб, жон-омон қайтгин”, деб дўмбирасини қўлига тутқазиб, сафарга жўнатган эди. Ана энди Эломон қайтди. Элбек бахши шогирдининг қўлидан ушлаб, кўнглини хушлаб: “Дунёга нималарни айтдинг, ў, болам”, деб сўраб, Эломон жавоб бериб турган жойи экан...”².

Юқоридаги парча ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқ дostonларини эсга солади. Қолаверса, шоир қаҳрамонлар исмига рамзий-мажозий маъно юклаганлиги ҳам ойдинлашади. Эътибор берилса, катта бахшининг исми Элбек, шогирдининг исми Эломон - ҳар иккала қаҳрамон исмида “эл” сўзи учрайди. Назаримизда, шоир айнан “эл” ўзаги билан бошланувчи исмларни танлар экан, унинг муайян бадий-

ғоявий мақсади кўзга ташланади. Яъни устоз бахши шу элатнинг, халқнинг “беги”, шогирд бахши дostonларида куйланганидек, юртнинг, халқнинг тинчини, омонлигини тилайди.

Элбек бахшининг севиб, ета олмаган севгилисининг исми ҳам Ойтуман. Кўринадикки, ушбу қахрамон исми ҳам, аввало, халқ қахрамонлари ва эътиқодига кўра “ой” билан боғликлигини кўрсатса, иккинчидан, рамзий маъноларни ҳам билдиради. Бизнингча, Ойтуман исми, аввало, халқ дostonчилик анъаналари ва тотемистик эътиқод билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ҳаёти туманли, бахти туманли бўлган аёл образидир. Чунки Элбек бахши билан Ойтуман гарчи бир-бирини чин дилдан севишса-да, уларнинг ҳаётлари айрича бўлди. Яъни Ойтуманни ўзга юртга келин қилиб олиб кетишади. У эгизак фарзандларнинг онаси ҳам бўлади. Бироқ ушалмаган муҳаббати унинг учун армон бўлиб қолади. Шунинг учун бўлса керак, шоир У.Азим қахрамон учун “Ой” ва “туман” сўзларининг ўзаро бирикувидан ясалган “Ойтуман” исмини танлайди. Маълумки, туманли об-ҳавода узоқ масофа кўринмайди. Худди шунингдек, Ойтуманнинг ҳаёти ҳам кўз илғамас кечмишлар остида туманли, ғира-шира.

У.Азим Элбек бахши билан Ойтуманнинг аччиқ қисматини ҳикоя қилар экан, халқ дostonларига хос содда услубдан, образли ифодалардан унумли фойдаланади. Бундан ташқари, шеърини парчаларда халқона кўшиқларга яқин ажиб мусиқий оҳанг, равонлик ва соддалик мужассам:

*Карвон кўрдим туялари бўзлаб борар,
Нортуяда менинг ёрим музлаб борар.
Менга берган ваъдалари эсдан чиқиб,
Остонаси тилло юртни излаб борар.
Пешонангнинг ёздигидаи айрилма, ёр,*

Жоним чиқар - қўшиқ айтсам қайрилма ёр! (188)

Шунингдек, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларида миллийлик, менталитетга хос характер бўртиб туради: “Элбек бахши эл кезиб юриб, Ойтуманни учратади. Таниди - Ойтуман. Ойтуманнинг кўзи ҳам унга тушди. Гапирмоққа тил қайда? - иккови икки жойда серрайиб турибди. Шунда уларнинг сел-селбор йиғлаётган кўзлари шундай гаплашишган экан...” (190). У.Азим миллатга хос характер ва маданиятни чуқур англаган ҳолда ўз қаҳрамонларини тил билан эмас, қалб кўзи билан дардлашиш йўлини восита қилади. Ваҳоланки, қаҳрамонларнинг тилга кўчмай, бироқ дилда ўчмас чўғ бўлиб турган изтироблари диалог тарзида тақдим этилади:

Ойтуман:

-Япроқлар сўлади - бахтсизман,

Оловлар сўнади - бахтсизман.

Йўлингга интизор кўзимни

Тупроқлар кўмади - бахтсизман –

Аммо сен бахтиёр бўлгин, ҳамиша.

Элбек бахши:

-Ахир, бир очилиш бахти бор,

Бошоқдай янчилиш бахти бор,

Согинчдан хазондай тўкилиб,

Кўз ёшдай сочилиш бахти бор –

Мен шундай бахтиёр бўлай, ҳамиша!

У.Азимнинг “Қоработир ва Оқботир” шеърий достони ҳам халқ эртак ва дostonларидан таъсирланиш, қолаверса, шоирнинг ижодий фантазияси асосида янгича шеър намунаси сифатида яратилган. Шоир Қоработир образига янгича талқин беради. Достонда икки яқин дўст - Қоработир ва Оқботир образлари иштирок этади. Қаҳрамонлар

исмидаги ранг маъносини билдирувчи қора ва оқ сифатлари образларга фалсафий маъно юклайди. Яъни Қоработир ўз номи билан жонини сақлаб қолиш учун дўсти Оқботирни ғанимлар қўлига топширади. Оқботир дўстликка бўлган садоқати, ҳалоллиги туфайли гарчанд душман қўлига дўсти томонидан топширилса-да, душманлар ундаги ақл-заковатга, вафодорликка қойил қолиб, уни озод қилишади. Қоработирни хиёнаткорлиги, яқин дўстига сотқинлиги учун ўлимга маҳкум этишади. Зеро, ўз дўстига садоқат қилолмаган, эътиқодига содиқ қололмаган инсон ўз халқига, элатига ҳам хиёнат қилади. У.Азим яратган Элбек бахши, Эломон бахшилар маърифатпарвар, эзгулик улашувчи қаҳрамонлардир. “Бахшиёна” туркумига кирган кичик дostonлар унинг халқ оғзаки ижодига хос ифода усуллари маҳорат билан эгаллаган шоир эканини кўрсатади, шу билан бирга, бу туркум янгича бадиий изланишлар самарасидир.

Шоирнинг «Бахшиёна»сини ўқир экансиз, халқ бахшилари йулида яратилган шеърлар ўқувчини сирли оламга етаклашини ҳис қиласиз.

Усмон Азим шеъриятида шунчаки айтилган бирор мисра учрамайди. Шаклан халқ йўлида айтилган шеърларда дард йиғлайди. Зотан, асл шеърда шакл ва мазмун бирга туғилади, уларга дахл қилиш, бирор сўзнинг ўзи эмас, ҳатто ўрни ўзгартирилса, табиий гўзаллиги йўқолади.

Шеър табиий равишда қуйилиб келадиган ҳиссий жунбуш ҳосиласидир. Шу каби қаҳрамонлар халқ эртақларию дostonлари қаҳрамонлари Алпомиш, Қалдирғоч каби шоир изтироблари, унинг ўзга дунёсини ифодалайди.

Донолар қорани оптоқ десалар,

Шайтонлар ҳаромни шу пок десалар,

Кўрқсалар, душманни ўртоқ десалар-

Чидагина, бола-м, чидагин,

Оҳларинг қўшиққа айласин! (27-б)

Шеърят нафис туйғулар туридир. Бу турнинг қанчалар нафис, чиройли туғилиши шоир маҳоратига боғлиқ. Маҳорат жуда зарур, лекин у шеър билан бирга яхлит туғилиши, табиий нутқни бузмаслиги керак. Шеъринг мусиқа, товушлар оҳангдошлиги бадий заифликни яширишга эмас, балки шеърнинг уйғунлиги ва мусиқийлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур. Маҳорат ва истеъдод бир-бирини тўлдириб келиши зарурлиги шеърятнинг бош талабларидан биридир. Усмон Азим шеърятни уларга жавоб беради, деб айтиш мумкин:

Майсага эзмайман, деб айтдим,

Дарахтга кесмайман, деб айтдим.

Тупрогимга сен деб ўлсам,

Оғриқни сезмайман, деб айтдим. (24-б)

Достончиликка хос асосий хусусиятлардан бири айтишувдир. Шоир шу бадий тасвир воситасидан унумли фойдаланган. Алпомиш ва Барчиной, Қоработир ва Оқботир, Эломон ва Элбек бахши савол-жавоблари орқали бутун бир миллатнинг руҳи, кайфияти, миллий ўзига хослиги очилган.

Сени зор кутарман дилпора

Ҳижронда ошиқлар бечора,

Айтиб кет, султоним, фарзандинг-

К, ай сўзни эшитгин илк бора-

деган Барчиннинг сўроғига Алпомиш:

Оламда кўп эрур ибора,

Бир сўз бор-оғриқдан иборат.

У-Ватан! Барчиним, у-Ватан!

Боламга «Ватан»де илк бора (41-бет)-

тарзида жавоб беради.

Бу жавобнинг ҳар бир сўзида Ватанга бўлган кучли муҳаббат уфуриб туради. Қахрамон «О, она Ватан, мен сени севаман!» дея кўкрагига урмайди, ватанпарварлик даъво қилмайди. У ҳаракат, амал одами, у ватанга бўлган муҳаббатни сўзда эмас, ишда, амалда кўрсатади. Фарзандининг биринчи айтган сўзи «ота» бўлишини ҳар бир ота истайди. Аммо Алпомиш ўзидаги бу истакни енга олди, ватан ва боласига ҳам ҳали мурғак чоғидаёк, ватанпарварлик сабоғини берди:

Елдайин, селдайин бўл ҳаёт,

Сафардан қайтмасам умрбод.

Барчиним, аллага қўшиб айт,

Элининг отидир Кўнгирот.

Ой чиқса бўлади ойдин, де

Лочиндай қанотинг ёйгин, де,

Барчиним, суйганда суйиб айт,

Тугилган тупрогинг Бойсун, де (42-бет)

Ватанга муҳаббат туйғусининг бундай ёркин намуналарини Усмон Азим Элбек бахши ва ёв томон шоири ўртасидаги баҳс-айтишувда ҳам тасвирлайди:

Хақ гап учун ҳар бир ишга кўнади эл,

Тўғри сўздан кўпаяди, тўлади эл.

Дордан қўрқиб, ёлгон айтиб турганим йўқ,

Шоирлари ёлгон айтса, ўлади эл (40-бет)

Бахши қайтарган жавоб ўлмас дунё каби кўхна ва қадим ҳақиқатдир. Юқорида айтилганидек, шеър шоирнинг муайян бир кайфиятидан, кечинмасидан яралади. Шоир кечинмаларининг қоғозга қай шаклда кўчиши ўша шоир тафаккури йўналишидан дарак беради,

шеърларида ўзини намоён этиши унинг фикрлаши, турмуш тарзи, дунёқараши халқона эканлигидан далолатдир.

Умумий хулосалар

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ҳозирги замон ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. У ўз услубига эга бўлган, кўплаб асарлари: шеърляти, дostonлари, драмалари, ҳикоялари билан халқ эътирофини қозониб келаётган, адабиётшунослар томонидан асарлари тадқиқ этилаётган шоир. Шоир шеърлятида ўзбек тилининг ғоятда бой имкониятларидан, тил бирликларининг турли туман тарватларидан, барча услубий воситалардан кенг ва унумли, новаторона, моҳирона фойдаланилган. Услубий воситалар Усмон Азим шеърляти бадиияти учун хизмат қилган.

Ушбу магистрлик диссертациясида Усмон Азим шеърлятида бадиий услуб индивидуаллигини таъминловчи воситаларни ўрганиш, таҳлилга тортиш ва тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Шоирликда ҳеч бир сўз, тил бирлиги шунчаки эрмак эмас. Ҳатто оддий нутқ товушини ҳам унинг ўз маъно товланишига, қийматига кўра қўллаш жоиз бўлади. Шундагина тилнинг ҳар фонетик, морфологик, лексик-семантик, синтактик бирлиги ўз ўрнига мақсадга мувофиқ тушган поэтик талқин воситасидир. Усмон Азим шеърляти бу юксак талабларнинг миллий адабиётимиздаги ёрқин амалий кўриниши бўлган адабий ҳодисадир. Лингвопоэтик асослари бақувват ижоддир.

2. Усмон Азим шеърларида нутқ товушларининг эстетик имкониятларидан, асар мазмунининг тез ва қулай идрок этилиши ва шеърда ўзига хос жозибадор оҳангдорликни таъминлаш мақсадида унумли фойдаланилган.

3. Усмон Азим бошқа етук ижодкорлар каби шеърларида лексик воситалардан унумли фойдаланиб, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, мақоллар ва ибораларни шеърлят ёки услубият талаби

билан ижодий тарзда қўллаган. Уларни, ўз ўринларини бағоят санъаткорлик билан топиб, жозибадорликнинг ёрқин асоси даражасига кўтара олган.

4. Такрор Усмон Азим шеърларидан ўринли жой олган бўлиб, у шеърда таъкид, илтимос, сўроқ, санаш маъноларини кучайтириш, даражалаш, муболағани бўрттириш, тасвирни янада теранлаштириш, қиёслаш каби турли вазифаларни адо этади. Такрорлар мисраларда жойлашуви ҳамда қайтарилиш сонига кўра турлича бўлиб, улар контакт ҳолатда ва дистант ҳолатда қўлланган.

5. Усмон Азим шеърларида синтактик параллелизмга ҳам муружаат этилган ва улар бир хил шаклланган гаплар бадиий нутқ таъсирчанлигини бойитиш билан бирга маънони кучайтиришга, фикрнинг батафсил, атрофлича ифодаланишига, тасвир объекти билан боғлиқ маълумотлар фондининг кенгайиб боришига хизмат қилган.

6. Усмон Азим шеърларида бадиий услуб индивидуаллигини таъминлашда градациядан ҳолатларни, туйғу ва кечинмаларни қиёслашда, ҳис-ҳаяжонлар жунбушини тўлиқ ифодалашда фойдаланилган.

7. Ундовлар шоир шеърлятида унинг илк асарларидан бошлабқ айрича хусусиятлардан бири сифатида мухлислар эътиборини тортиб келади. Улар шоир асарларига кўтаринки рух, фикрлар қатъияти бағишлайди. Ўқувчини ўзига, шеър мантиғига кескин ва ўта жиддий жалб этишга таъсирчан хизмат қилади. Ундов сўзлар замиридаги кутилган-кутилмаган луғавий, истилоҳий маъноларни шоирнинг ниҳоятда инжа англашини унинг биргина “Ундов сўзларга боғда ёзилган шарҳлар” шеърдан ҳам, хима хил бу туркумдаги сўзларнинг шеърлятида кенг ва чуқур маъноли тарзда қўлланилишидан ҳам билиб олиш мумкин.

8. Усмон Азим шеърляти ундалмаларнинг турли кўринишларига ва уларнинг маъно-мурожаат оҳангларига бой. Шоир уларни гоҳ ўз борича, гоҳ такрорлаб, гоҳ ёйиб, сифатлаб кўллайди. Мурожаат миқёсини, объектларини чегараламай, жуда эркин, ижодкорона йўл тутди. Муайян ҳис-туйғулар ҳам, наботот, мавжудот, махлуқотнинг ҳар хил вакиллари ҳам шоир шеърлятида ундалмаликка мансубият касб этиб, услубий сифат гўзаллашади.

9. Иборалар, мақолларни Усмон Азим шеърляти мисолида ўрганиш шуни кўрсатдики, ўзбек тилининг бу борадаги нуфузи жуда баланд, имкониятлари бекиёс, ижодиётда бу жабҳанинг ҳали очилмаган кўриқлари бисёр. Иборалар шоир шеърлярида мақолларга қараганда кўп учрайди. Гап миқдорда эмаслигини шоир ўз поэтик матнларига олиб кирган ҳар бир ибора, мақол ёхуд уларга ишорат мотивлари, булардаги тағмаънолар бемалол далиллаш олади.

10. Усмон Азим шеърлятининг, умуман, ижодининг лингвопоэтик хусусиятлари, табиати, ижодкорнинг сўздаги новаторлиги йирик монографик, фундаментал тадқиқотларга муносиб адабий ҳодисадир. Бу йўналишдаги ишлар тилшунослигимизнинг лингвопоэтика соҳаси салоҳиятини янада оширишига шубҳа йўқ.

Усмон Азим шеърлярини лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этиш яна шуни кўрсатадики, шоир ўз шеърлярида лисоний воситалардан моҳирона фойдаланган ва ўзига хос, оригинал услубни ярата олган. Бу, хусусан, унинг шеърляри тилида яққол кўзга ташланади, шу сабабли Усмон Азимни ўзбек адабий тилини, жумладан, поэтик нутқни бойитишда муайян из қолдираётган шоир сифатида билиш ва баҳолаш мумкин.

Таянч сўзларнинг ўзбекча-инглизча луғати

1. Адабий тил- literary language
2. Антонимлар-antonyms
3. Бадиий услуб-artistik style
4. Бадиий матн-artistik text
5. Бўёқдорлик-coloring
6. Экспрессивлик-expressiveness
7. Эмоционал нутқ-emosional speech
8. Этимологик луғат-etimological dictionary
9. Феъл-verb
10. Фонетик бирлик-fonetik unit
11. Фонографик воситалар-phonographik means
12. Гап-proposal
13. Грамматик маъно-grammatical meaning
14. Ибора-expression
15. Изоҳли луғат-dictionary
16. Жуфт ундошлар-paired consonants
17. Кўп маънолилик-polysemy
18. Кўрсатиш олмоши-demonstrative
19. Кўчим-trails
20. Лексик антономия-lexical antonymy
21. Лексик бирлик-lexical unit
22. Лексик маъно- lexical meaning
23. Лексик- lexical
24. Лингвопоэтика-lingvopoetic
25. Лингвистик таҳлил-lingvistic analysis
26. Морфологик-morphological
27. Мақол- proverb

28. Нутқ-speech system
29. Оҳангдорлик-melody
30. Олмош-noun
31. Синоним-synonym
32. Содда-simple
33. Сўз бирикмаси-phrase
34. Сўз-word
35. Такрор-repeat
36. Такрорий сўз-re-word
37. Тасвирий-descriptive
38. Тарихий сўз-historicism
39. Тасвирий сўз-visual word
40. Таҳлил-analysis
41. Тил бирлиги-aunit of language
42. Тилшунослик-linguistics
43. Товуш-sound
44. Тил-language
45. Ундалма-treatment
46. Ундош-consonant
47. Унли-vowels
48. Услубий бўёқ-stylistic coloring
49. Шеърят-poetry
50. Шеър-роем

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Адолатли жамият сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980.
4. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.
6. Абдурахмонов Х., Махмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981.
7. Абдуазизова А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1985. № 2.
8. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Т.: Фан, 2005.
9. Махмудов Н. Ойбек шеърисидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси. Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. № 6.
10. Махмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. № 4.
11. Муҳаммаджонова Г. 80 йиллар охири 90 йиллар бошлари ўзбек шеърисининг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. –Т.: 2003.
12. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
13. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
14. Бобоев Т, Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Тошкент: ТДПУ, 2001.
15. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: Фан, 2007.

16. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008.
17. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. доктори дисс. автореф. –Т.: 2009.
18. Саримсоқов Б. Бадиийлик мезонлари. –Т.: Фан. 1996.
19. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
20. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг метафорадан фойдаланиш маҳорати. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 6.
21. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
22. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. - Самарканд, 2004.
23. Юсубова Р.Н. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортикчалик (А.Орипов лирикаси мисолида): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. - Тошкент, 2011.
24. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
25. Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий изланишлар (У.Азим ижоди мисолида). Филол. фан. номз. ... дисс. –Т.: 2000.
26. Шомахсудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. -Т.: 1983.
27. Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 2007.
28. Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. -Т.: 1976.
29. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. -Т.: 1982.
30. Усмон Азим. Инсонни тушуниш: шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978.
31. Усмон Азим. Ҳолат: шеърлар. – Т.: “Ёш гвардия” нашриёти. 1979.
32. Усмон Азим. Оқибат: шеърлар ва дoston. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980.

33. Усмон Азим. Кўзгу: шеърлар ва драматик дoston. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
34. Усмон Азим. Сурат парчалари: шеърлар ва дoston. – Т.: “Ёш гвардия” нашриёти. 1986.
35. Усмон Азим. Дарс. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986.
36. Усмон Азим. Иккинчи апрель. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
37. Усмон Азим. Бахшиёна. Драматик балладалар. – Т.: “Ёш гвардия” нашриёти. 1990.
38. Усмон Азим. Уйғониш азоби: шеърлар ва тарихий драматик қисса. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.
39. Усмон Азим. Ғусса: шеърлар ва дoston. – Т.: “Камалак” нашриёти. 1994.
40. Усмон Азим. Узун Тун: (шеърлар). – Т.: “Ёзувчи” нашриёти. 1994.
41. Усмон Азим. Бор экану йўқ экан: (эртақ, шеърлар) – Т.: Чўлпон нашриёти. 1995.
42. Усмон Азим. Сайланма. Шеърлар. – Т.: “Шарқ”. 1995.
43. Усмон Азим. Куз: шеърлар. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001.
44. Усмон Азим. Соғинч: шеърлар. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2007.
45. Усмон Азим. Юрак: шеърлар. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2009.
46. Усмон Азим. “Фонус”: шеърлар. –Т.: “Шарқ”. 2010.
47. Хўжамкулов У. Миртемир шеърлятида сўзнинг эстетик таъсир имкониятлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. № 2.
48. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.:

- Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2002.
49. Ҳайдаров А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 2009.
50. Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
51. [http: // WWW.edu. uz /](http://WWW.edu.uz/)
52. [http: //ziyo. edu. uz /](http://ziyo.edu.uz/)